

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқукида

УДК:

ШАРИПОВ РИХСИВОЙ РАИМОВИЧ

**ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

**Илмий раҳбар: Б.Рустамов
иқтисод фанлари номзоди, профессор**

Тошкент – 2013

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....
1-БОБ.	МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ФАОЛИЯТ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШИНING ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТЛАРИ.....
1.1.	Миллий иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий категория сифатидаги илмий-назарий таҳлили.....
1.2.	Миллий иқтисодиёт амал қилишининг мақсади, мезон ва сифат кўрсаткичлари.....
	Биринчи боб бўйича хулосалар.....
2-БОБ.	ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНING АСОСИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ.....
2.1.	Миллий иқтисодиёт шаклланишининг асосий шарт-шароитлари ва ривожланиш тамойиллари.....
2.2.	Бозор ислохотлари шароитида миллий иқтисодиёт ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичлари ва унинг динамикаси.....
2.3.	Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш миллий иқтисодиёт ривожланишининг асосий омили сифатида.....
	Иккинчи боб бўйича хулосалар.....
3-БОБ.	ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИНING ЯНГИ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
3.1.	Иқтисодиётда миллийлик ва “очиқлик” мутаносиблигини таъминлаш йўллари.....
3.2.	Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувининг кучайишида янги тамойилларнинг намоён бўлиши.....
3.3.	Глобаллашув жараёнида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш истикболлари.....
	Учинчи боб бўйича хулосалар.....
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Ўтган давр мобайнида миллий иқтисодиётни шакллантириш ва унутубдан ислоҳ қилиш мамлакатимиз мустақил тараққиётининг энг муҳим омили ва асосини ташкил этганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу борада бизнинг олдимизда республика ва аҳоли эҳтиёжини, биринчи навбатда ёқилғи-энергетика ресурслари, истеъмол ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ишончли тарзда қондиришдек долзарб ҳаётий вазифа турар эди»¹.

Бундай шароитда «авваламбор, мамлакатимиз иқтисодиётидаги ижобий кўрсаткичлар ва ноҳуш тенденцияларни нафақат қайд этиш, балки иқтисодиётимизнинг ривожини белгилаб берадиган сабаб ва омилларни чуқур ва ҳолисона таҳлил қилиш²», миллий иқтисодиётни шакллантиришдаги ўзига хосликни ва ривожланиш шарт-шароитларини тадқиқ қилиш алоҳида долзарблик касб этади.

Айни шу сабабли миллий иқтисодиётни нафақат макроиқтисодий жиҳатдан, балки назарий ва концептуал нуқтаи-назардан чуқур таҳлил қилиш жуда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Баъзи даврларда, мамлакат ўз миллий қобиғи доирасида хўжалик юритиб аҳолисининг яхши турмуш кечиришини таъминлаши мумкин деган фикрлар устунроқ эди. Ҳозирги даврда эса глобаллашув жараёнини тан олмасдан, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги тизимига тобора интеграциялашиб бораётганини ҳисобга олмасдан, унинг ривожланишини тасаввур этиб бўлмайди. Шунингдек, миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва глобаллашув жараёни ўртасидаги муштарак манфаатлар ва зиддиятлар чуқур таҳлил ва илмий ўрганишни тақозо этади. Бунинг долзарблиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли янада яққолроқ кўриниб қолди, «...бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб

¹ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида., - Т., 16-жилд, - Б.11

² Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.-Т.: Ўзбекистон, 2011.-Б.3

бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимида интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин»³.

Шунингдек, “Ана шундай мураккаб шароитда 2013 йил ва яқин келажакда ҳамон давом этаётган глобал инқирознинг барча хавф-хатар ва оқибатларининг Ўзбекистон иқтисодиётига кўрсатадиган таъсирини ҳисобга олиш алоҳида принципиал аҳамият касб этади”⁴.

Глобаллашув жараёнида миллий иқтисодиётни қарор топтириш ва ривожлантириш ўз-ўзидан бўлмади, албатта. У чуқур ижтимоий-иқтисодий жараёндир. Глобаллашув талабларини мамлакатга мажбуран, оқибатларини ўйламасдан ташқаридан тиқиштириш, тезлик билан жорий этиш ҳам мумкин эмас. XX асрнинг охирларига келиб мамлакатлар аста секинлик билан иқтисодий муносабатларда очиқлик йўлига ўта бошладилар ва ҳозирги кунда барча миллий иқтисодиётларда либераллаштириш юқори даражага етмоқда. Бу жараён, айниқса, бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими барҳам топиб, собиқ социалистик мамлакатларда ва давлатлараро иқтисодий муносабатларнинг амалда универсал шакли хўжалик юрителининг бозор иқтисодиёти шаклига ўтишидан кейин фаоллашди. Миллий иқтисодий тизимларнинг бир типдалиги ва очиқлиги глобаллашув жараёнига, ишлаб чиқариш ва айирбошлашга қўшимча куч бағишлади. Миллий иқтисодиётнинг ўзига хос белгилари ва шарт-шароитлари; – миллий ва давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлик, иқтисодий майдон ва ҳуқуқий муҳит бирлиги, миллий пул бирлиги, молия тизими яхлитлиги, ички ва ташқи бозорнинг ривожланганлиги ва бошқалардан иборат. У мураккаб тизим сифатида

³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, - Б.11

⁴ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2013 йил. 27-бет.

ташкилий, тузилмавий, ресурс, институтционал ва бошқа кичик тизимлар, компонентлардан таркиб топган. Мана шу жиҳатлар ҳамда унинг ҳаракат ва бошқариш даражаси бўйича макро (бутун иқтисодиёт), мезо (тармоқ ва минтақа) ва микро (корхона) даражасида назарий асосланиши жуда ҳам долзарбдир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миллий иқтисодиётнинг шакл-шамойиллари, ривожланиш даражаси ва омиллари, унинг интеграциялашуви, байналминаллашуви ва охир-оқибатда эса глобаллашуви масалалари хорижлик олимлардан А.Смит, Д.Рикардо, А.Маршалл, Р.Фишер, П.Самуэлсон, С.Дорнбуш, П.Клайн, Л.И.Абалкин, Н.А.Черкасов, Ю.Н.Пахамов, А.С.Булатов, С.Тяглов ва бошқаларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган. Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.Ўлмасов, А. Ваҳобов, Ш.Шодмонов, Р.Алимов, Т.Жўраев, Р.Х.Шодиев, Н.Тухлиев, Қ.Ҳақбердиев, Н.Сирожидинов, А.В.Ваҳобов, З.Р.Содиқов, А.Ваҳобов, К.Асранов, А.Раҳматуллаев, Н.Жуманиёзов, Т.Сафин, Т.Жўраев, О.Ҳамроев ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар.

Шу билан бир қаторда глобаллашувнинг ҳозирги инқирозли жараёни шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, шарт-шароитлари, мезон ва кўрсаткичлари, омиллари ва ўзига хос хусусиятларини янада чуқурроқ назарий таҳлил этиш, бу жараёнда миллий иқтисодиётнинг тараққиёти ва глобаллашув ўртасидаги умумийлик ва зиддиятларни ўрганиш ушбу магистрлик диссертацияси тадқиқот мавзусини танланишига асос бўлди.

Магистрлик диссертацияси тадқиқотининг мақсади. Глобаллашув жараёнида Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг шаклланиши ҳамда ривожланишининг назарий-илмий, концептуал асосларини таҳлил қилиш ва миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича ҳулосалар, илмий-назарий ҳамда амалий таклифлар тайёрлашдан иборат.

Магистрлик диссертациясининг тадқиқот вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

- Миллий иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий категория сифатидаги илмий-назарий таҳлилини амалга ошириш;
- Миллий иқтисодиёт амал қилишининг мақсади, мезон ва сифат кўрсаткичларини кўрсатиб бериш;
- Миллий иқтисодиёт шаклланишининг асосий шарт-шароитлари ва ривожланиш тамойиллари аниқлаш;
- Бозор ислохотлари шароитида миллий иқтисодиёт ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичлари ва унинг динамикаси таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни миллий иқтисодиёт ривожланишининг асосий омили сифатида эканлигини асослаш;
- Иқтисодиётда миллийлик ва “очиқлик” мутаносиблигини таъминлаш йўллари аниқлаш;
- Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувининг кучайишида янги тамойилларнинг намоён бўлишини кўрсатиб бериш;
- Глобаллашув жараёнида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш истиқболлари бўйича илмий-амалий таклиф ва хулосалар беришдан иборат.

Магистрлик диссертацияси тадқиқот объекти бўлиб, Республикамиз миллий иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати ва глобаллашув жараёнидаги ривожланиш истиқболлари танланган.

Магистрлик диссертацияси тадқиқот предмети: глобаллашув жараёнида миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ички ва ташқи омиллари, ўзига хос хусусиятлари, шарт-шароитлари ва унда юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Магистрлик диссертацияси тадқиқотининг назарий ва услубий асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асар-

лари, шунингдек, мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг мазкур йўналишдаги тадқиқотлари хизмат қилади.

Магистрлик диссертацияси тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги қўйидагиларда ўз ифодасини топган:

- Миллий иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий категория сифатидаги илмий-назарий таҳлили амалга оширилган ва муаллифлик таърифи берилган;
- Миллий иқтисодиёт амал қилишининг мақсади, мезон ва сифат кўрсаткичларини кўрсатиб берилган;
- Миллий иқтисодиёт шаклланишининг асосий шарт-шароитлари ва ривожланиш тамойиллари аниқланган;
- Бозор ислохотлари шароитида миллий иқтисодиёт ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичлари ва унинг динамикаси таҳлил қилинган;
- Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни миллий иқтисодиёт ривожланишининг асосий омили сифатида эканлигини асосланган;
- Иқтисодиётда миллийлик ва “очиқлик” мутаносиблигини таъминлаш йўллари аниқланган;
- Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувининг кучайишида янги тамойилларнинг намоён бўлиши кўрсатиб берилган;
- Глобаллашув жараёнида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш истиқболлари бўйича илмий-амалий таклиф ва хулосалар берилган.

Магистрлик диссертацияси тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқиқот натижасида олинган хулоса ва амалий тавсиялар миллий иқтисодиётнинг глобаллашув жараёнидаги ривожланиш қонуниятларини ўрганишга бағишланган илмий-тадқиқот ишларида, олий ўқув юртларида “Миллий иқтисодиёт”, “Иқтисодиёт назарияси”, “Реал сектор иқтисодиёти ва уни прогнозлаш”, “Иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш” ва “Макроиқтисодий сиёсат” каби фанлар ўқув курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Илмий иш кириш, учта боб, хулоса ва тақлифлар, илова ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг биринчи боби миллий иқтисодиёт фаолият қилиш ва ривожланишининг илмий-назарий концептуал жиҳатлари деб номланиб, унда миллий иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий категория сифатидаги илмий-назарий таҳлили, миллий иқтисодиёт амал қилишининг мақсади, мезон ва сифат кўрсаткичлари ўрганилган.

Тадқиқот ишининг иккинчи бобида эса Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт шаклланиши ва ривожланишининг асосий шарт-шароитлари ва омилларига бағишланган бўлиб, унда миллий иқтисодиёт шаклланишининг асосий шарт-шароитлари ва ривожланиш тамойиллари, бозор ислохотлари шароитида миллий иқтисодиёт ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичлари ва унинг динамикаси, Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни миллий иқтисодиёт ривожланишининг асосий омили сифатида эканлиги масалалари ўрганилган.

Тадқиқот ишининг учинчи бобида глобаллашув жараёнида миллий иқтисодиёт ривожланишининг янги тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари деб номланиб, унда иқтисодиётда миллийлик ва “очиқлик” мутаносиблигини таъминлаш йўллари миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувининг кучайишида янги тамойилларнинг намоён бўлиши глобаллашув жараёнида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш истиқболлари масалалари ўрганилган.

Ишнинг хулоса қисмида глобаллашув жараёнида миллий иқтисодиёт ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари бўйича илмий-амалий аҳамиятга молик тавсия ва тақлифлардан иборат.

1-БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ФАОЛИЯТ ҚИЛИШ ВА РИВОЖ- ЛАНИШИНING ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ ЖИ- ХАТЛАРИ

1.1. Миллий иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий категория сифатидаги илмий-назарий таҳлили

Муайян мамлакатнинг миллий хўжалиги ва унинг фаолият кўрсатиш хусусиятлари доимо илмий-назарий тадқиқотларнинг объекти бўлиб келган. Чунки, иқтисодий қонунлар, ривожланишдаги тамойиллар, ҳодиса ва жараёнларнинг ўзига хослиги, намоён бўлишини миллий хўжалик доирасида тадқиқ этиш илмий-услубий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, умумиқтисодий қонунларнинг миллий иқтисодиёт доирасида амал қилиш хусусиятлари давлат томонидан олиб бориладиган иқтисодий сиёсат билан ҳам белгиланганлиги ушбу ёндашувнинг мантикийлигини кўрсатади.

Иқтисодий адабиётларда аксарият ҳолларда “миллий иқтисодиёт” ва “миллий хўжалик” тушунчалари маънодош сифатида қўлланилади. Аммо, фикримизча, хўжалик тушунчаси иқтисодиёт тушунчасига нисбатан бирмунча тор маънони беради. Хўжалик тушунчасида иқтисодий муносабатларнинг кўп жиҳатлари қамраб олинмайди. Шунинг учун биз ушбу тадқиқотимизда “миллий иқтисодиёт” тушунчасидан фойдаланамиз.

Маълумки, иқтисодий категориялар, иқтисодий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ва қонуниятларни ўрганишда қўлланиладиган назарий тушунчалар ҳисобланиб, амалдаги иқтисодий воқелик шу тушунчалар орқали илмий ифода этилади. “Миллий иқтисодиёт” тушунчаси ҳам ана шундай илмий атамалардан биридир. Аммо бу тушунча, кўпгина иқтисодий категориялардан фарқли ўлароқ, тадқиқот ва талқинда ягона ёндашувга эга бўлмаган, таърифи кўпгина бошқа иқтисодий категориялар ёрдамида амалга ошириладиган тушунчадир. Қолаверса, миллий иқтисодиёт жаҳон хўжалигининг амал қилиш тамойилларига ва хусусиятларига бевосита

боғланган. Айниқса, глобаллашув жараёнида бу боғлиқликнинг аҳамияти янада ортади.

Миллий иқтисодиёт ижтимоий-иқтисодий категория сифатида тадқиқ этилганида унинг қуйидаги жиҳатлари эътиборга олиниши мақсадга мувофиқ:

1. Миллий иқтисодиёт тушунчасига статик (турғун) тарзда эмас, балки динамик (ҳаракатдаги) тарзда ёндашган ҳолда тадқиқотларни амалга ошириш лозим.

2. Миллий иқтисодиёт тушунчаси умумиқтисодий категория сифатида ўрганилиши лозим.

3. Миллий иқтисодиётнинг амал қилиш хусусиятларини қиёсий таҳлиллار орқалигина аниқлаш мумкин.

Миллий иқтисодиётнинг ривожланишига бугунги кунда жаҳон ҳўжалигидаги замонавий тамойиллар ҳисобланган глобаллашув ва байналмилаллашув жиддий таъсир кўрсатади. Шу сабабли тадқиқот ва таҳлиллари амалга оширишда ана шу икки тамойилнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Тарихан олиб қаралганда, миллий иқтисодиётнинг шаклланиши капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг вужудга келиши билан боғлиқ бўлиб, асосан, XVII асрнинг ўрталарида, дастлаб Англияда қарор топди. Бугунги кунга келиб, миллий иқтисодиётнинг мулкӣ, ташкилий-ҳуқуқӣ, ижтимоий-иқтисодӣ муносабатлар мазмуни билан белгиланадиган капиталистик (бозор иқтисодиёти), сотсиалистик (буйруқли иқтисодиёт), ўтиш даври ва кам ривожланган мамлакатлардаги аралаш шакллари мавжуд. Масалан, капиталистик (бозор иқтисодиёти) миллий иқтисодиётга америкача, немисча, японча ҳўжалик (иқтисодиёт) шакллари ва моделлари мос келади. Илгари собиқ иттифоқда амал қилган сотсиалистик миллий иқтисодиёт эса ҳозирда Ветнам ва Кубада мавжуд бўлиб, унга асосий соҳа ва тармоқларда умумхалқ давлат мулкӣ ва корхоналарини сақлаб қолган ҳолда, иқтисодиётда хусусий мулкчилик, товар-пул муносабатларига асосланган

хўжаликларга ва бошқа бозор муносабатларига кенг йўл берилаётганлиги хосдир. Ҳозир собиқ иттифоқ ва Шарқий Европа мамлакатларининг аксариятида марказлашган, давлат сотсиализмининг инқирозга учраши натижасида вужудга келган янги постсотсиалистик миллий иқтисодиётлар қарор топди. Бу кўпгина адабиётларда ўтиш даври ёки шаклланаётган бозор иқтисодиёти мамлакатлари ҳам деб аталди.¹

“Миллий иқтисодиёт” атамаси кейинги йилларда “мамлакат иқтисодиёти”, “республика иқтисодиёти”, “халқ хўжалиги”, “ижтимоий ишлаб чиқариш” тушунчаларининг синоними сифатида илмий муомалага, бошқариш ва хўжалик амалиётига кириб келди².

Россиялик олим В.Г.Ефимовнинг фикрича, “миллий иқтисодиёт муайян мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий мажмуасини ўз ичига қамраб олувчи ўзаро боғлиқ, мураккаб тизимни ифодалайди. Макроиқтисодиёт миллий иқтисодиётни функционал, тармоқ ва маъмурий-худудий белгиларига кўра таърифлайди, тавсифлайди”³.

Миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига глобаллашуви шароитида ривожланишини тадқиқ этган иқтисодчи Н.Н.Думнаянинг фикрича, “жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви бу – ишлаб чиқариш ва капитал байналминаллашувининг замонавий босқичи ҳисобланади. Байналминаллашувнинг XX асрнинг 90-йилларидаги янги сифат босқичи глобаллашув бўлиб, унинг асосий вазифаси илгари мавжуд бўлмаган хусусиятлар, жиҳатлар ва тузилишларга эга глобал иқтисодиётнинг яратилишидир. Бу глобал молия тизими, глобал миқёсда интеллектуал фаолиятлар натижаларининг алмашинуви тизими ҳамда товар ва хизматлар ҳаракатининг глобал тизими билан тавсифланади”. Белорус олими В.Н.Шимов миллий иқтисодиётга қуйидагича таъриф беради: “Миллий иқтисодиёт – бу мамлакатнинг хўжалик тизими бўлиб, у суверенлик, бутунлик, ижтимоийлик ва миллий йўналтирилганлик тамойилларига жавоб бериши керак”.

¹ Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси.-Т.: Шарқ, 2006, -С. 480.

² Қаранг: Тўхлиев Н, Ҳақбердиев Қ., Эрмамаев Ш., холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиётни асослари.-Т.: ЎЗМЭ,Б. 280.

³ Экономика в вопросах и ответах./ Под ред. Д.э.н., И.П.Николаевой.-М.: Проспект, 2004,-С.155

Олимнинг фикрича, миллий иқтисодиётнинг қуйидаги ўзига хос белгилари ва шарт-шароитлари мавжуд:

- миллат мустақиллиги ва давлат суверенитети;
- ҳудудий (территориал) яхлитлик;
- иқтисодий майдон ва ҳуқуқий муҳит бирлиги;
- ягона тўлов воситаси – миллий пул бирлиги, молия тизими яхлитлиги;
- ички бозорнинг ривожланганлиги, ташқи иқтисодий ва геополитик муносабатларнинг барқарорлиги таъминланганлиги;
- миллат фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи миллий бойликни кўпайтириш ва тасарруф этиш мустақиллигининг самарали кафолати мавжудлиги ва бошқалар.

Профессор Е.Алиқуловнинг фикрича, “Миллий иқтисодиёт – ижтимоий иқтисодиётнинг мавжудлик шакли, мамлакат, давлат ҳудудида яшовчи миллат (халқлар) тарихан шаклланган ёки тубдан янгиланаётган, ўзгараётган ва ривожланаётган мулкӣ ва бошқа ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, улар билан шартланган, маҳаллий хусусиятларга ҳам эга бўлган иқтисодий фаолият соҳалари, тармоқлари, ташкилотлари, корхоналари, ҳудудлари ва минтақалари тизими”¹. Миллий иқтисодиётнинг ушбу кенг қамровли илмий таърифи билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас, албатта.

Миллий иқтисодиёт – бу маълум бир давлат ҳудудида тарихан ташкил топган, бир-бири билан мақсади ва меҳнат тақсимои бoғлиқ бўлган тармоқлар йиғиндисидир. Ягона тизим сифатида миллий иқтисодиёт ўзига хос бўлган муносабатлари, бошқарув тизими, умумиқтисодий инфраструктураси ва мустақил қонунчилигига эга бўлган мустақил давлатчилиқни тақозо қилади².

Илмий-тадқиқот натижаларига кўра қуйидагича муаллифлик таърифи берилди: “Миллий иқтисодиёт алоҳида олинган мамлакат ҳўжалигининг амал қилиш шакли, унинг субъектларининг тарихан шаклланган, ривожланаётган

¹ Э.Алиқулов, -Миллий иқтисодиёт.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 5-жилд, 2003 й.-Б.662.

² З.Йўлдошев, Миллий иқтисодиёт. Масъул муҳаррир. и.ф.д., проф. А.В.Ваҳобов.-Т., ТМИ, 2004й.-56.

ижтимоий-иқтисодий, ташкилий- иқтисодий, ҳукукий-сиёсий муносабатлари тизими ва жаҳон хўжалигининг таркибий қисмидир³. Шунга кўра, у маҳаллий, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган мамлакат иқтисодиёти тармоқлари, корхоналари, меҳнат уюшмалари, ҳудудлари ва минтақалари йиғиндисининг ўзаро боғлиқ муносабатлари тизимидир”.

Миллий иқтисодиёт мураккаб тизим сифатида ташкилий, тузилмавий, ресурслар таъминоти, институтчионал ва бошқа кичик тизимлар ва таркибий қисмлардан иборатдир. Шу сабабли ҳам мазкур тушунча нафақат тизимли, балки ташкилий-иқтисодий томондан ҳам ёндашилиб, тадқиқ қилиниши мақсадга мувофиқ.

Ташкилий жиҳатдан миллий иқтисодиёт хўжалик юритиш субъектлари йиғиндиси бўлиб, ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, ишлаб чиқариш турлари, тармоқлар, минтақалар, уларнинг ўзаро алоқалари ва муносабатлари тизими унинг мазмунини ташкил этади.

Миллий иқтисодиёт таркибий жиҳатдан эса хўжалик мажмуалари ҳисобланган саноат мажмуаси, агросаноат мажмуаси, ёқилғи-энергетика мажмуаси, қурилиш мажмуаси ва шу каби бошқа ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш тармоқлари йиғиндисидан иборатдир.

Миллий иқтисодиётни амал қилиш ва бошқариш миқёси нуқтаи назаридан макродаражада (бутун иқтисодиёт), мезодаража (тармоқлар, минтақалар) ва микродаражада (корхона, бирламчи ишлаб чиқариш) тадқиқ этиш мумкин. Ана шу турли миқёслар ўзаро мантиқий боғлиқликка эга бўлиб, умумий иқтисодий қонуниятларга бўйсунди. Давлат иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда шу қонунларнинг қанчалик амал қилинишига қараб миллий иқтисодиёт тараққиёти суръатлари таъминланади.

Миллий иқтисодиётнинг амал қилишига икки хил ёндашувни ажратиб кўрсатиш мумкин: миллий иқтисодиёт фаолиятининг либерал тадбирларга

³ Тўхлиев Н, Ҳақбердиев Қ., Эрмаматов Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари.-Т.: ЎЗМЭ,2003.-Б. 280.

бўйсундирилиши керак, деган ғояни қўллаб-қувватловчиларга қарама-қарши протекционестик тўсиқлар орқали миллий иқтисодий манфаатлар ҳимоя қилиниши лозим, деб ҳисоблайдиган ёндашувлар мавжуд¹.

Умуман олганда ҳам, миллий иқтисодиёт имкон даражасида ташқи бозорнинг салбий таъсиридан холи бўлган хўжалик тизимидир. Маълумки, миллий иқтисодиётнинг вужудга келиши ва ривожланиши ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш орқали мамлакатнинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтиради, иқтисодий мустақиллик ва иқтисодий хавфсизлик шартларининг бажарилишини таъминлайди.

Миллий иқтисодиёт категориясининг мазмунини очиб беришда унинг концептуал жиҳатларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Бу ёндашув миллий иқтисодиёт фаолиятининг ўзига хос “манзарасини” тасаввур қилиш имкониятини беради. Миллий иқтисодиётнинг концептуал жиҳатлари унинг тизимли моделида ўз аксини топади. Бу моделда миллий иқтисодиёт фаолиятининг мақсад ва вазифалари, тамойиллари, ташкил этувчилари, шарт-шароитлари, муҳити, ташқи таъсирлари ва бошқалар қамраб олинади.

Миллий иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш мамлакат ресурслар салоҳиятидан оқилона фойдаланишни, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил ўстириб боришни тақозо этади. Бу ўз навбатида, товар ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг зарур миқдорда ва юқори сифатларда бўлишини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар ўртасида мақсадга мувофиқ нисбат таъминланиши, фан-техника тараққиётини тезлаштириш, замонавий ва унумли технологияларни қўллаш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, иш билан бандликни ошириш каби қатор шарт-шароитлар билан боғлиқ.

Миллий иқтисодиёт шаклланиши хусусиятлари ва тараққиёти йўналишлари мамлакатларнинг жаҳон хўжалигидаги ўрни ва ролини белгилаб беради. Турли мамлакатларда тарихий, ижтимоий, сиёсий, табиий шарт-шароитлардан келиб чиқиб миллий иқтисодиёт тараққиётининг

¹ Қаранг: A. Smith, An Inquiry into the Nature and Causes of Wealth of Nations, ed.: E. Cannon (New York: The Modern Library P., 1994)

моделлари юзага келган. Бу моделлар миллий иқтисодиёт ривожланишининг кўлами ва суръатларига кўра ҳам бир-биридан фарк қилади.

Бошқа томондан, миллий иқтисодиёт тараққиёт модели мамлакат иқтисодиётини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг стратегияси, мақсадлари, умумий тамойилларини ифодалайди. Турли назарий ёндашувларда иқтисодий тараққиёт модели давлат тузуми, ижтимоий-иқтисодий формация ёки ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг аниқ белгиланган йўли деб талқин этилади¹.

Миллий иқтисодиёт тараққиёт модели иқтисодий муносабатларнинг кенг миқёсли тизими, ҳукуқий, маъмурий ҳамда хўжалик механизмлари орқали бошқарилиб, бундай муносабатларнинг субъекти мулк эгалари, хўжалик фаолияти иштирокчилари, уюшмалар, ҳудуд ва тармоқлар ҳисобланади. Миллий иқтисодиёт тараққиёт модели универсал (глобал) ёки миллий мазмун касб этади.

Ўтиш даври мамлакатларининг аксариятида миллий иқтисодиётининг трансформацияси мураккаб ва зиддиятли жараёнга айланган бўлиб, бу жараён қуйидагилар билан характерланади²:

- давлатчилик иқтисодий тизимининг барча унсурлари, институтлари ва ташкил этувчиларини тўла шакллантириш;
- ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалигининг амалдаги ва янгидан яратилган механизмини такомиллаштириш;
- миллий иқтисодиёт фаолиятининг глобаллашув талабларига жавоб беришини таъминлаш, халқаро меҳнат тақсимоотида муносиб жой эгаллаш, юқори технологиялар асосида иқтисодиётнинг таркибий тузилишини қайта қуриб бориш.

¹ Ўлмасов А., Ваҳобов А., Вақобов А.В. Иқтисодиёт назарияси.-Т.: Шарқ, 2006 480 б; Тўхлиев н, Ҳақбердиев Қ., Эрматов Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари.-т.: “ЎЗМЭ”, 280 б.; Ж.К. Гелбрейт. Г.Б.-М.: ЮНИТИ, 1999,-574 с.; История мировой экономики. Хозяйственные реформы. 1920-1990 гг.-М.: 1995.

² Каримов И.А., Юсак маънавият – енгилмас куч.-Т.: 2008.-Б.103-105.

Миллий иқтисодиётнинг трансформацияси учун етарли шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим. Бу шарт-шароитларни шартли равишда тўрт қисмга ажратиш мумкин:

- умумий тартиб-қоидалар; бу мамлакатнинг янги асосий қонуни – Конституциясининг қабул қилинишини билдиради;
- мафкуравий ва сиёсий мазмундаги шарт-шароитлар; бу миллий ғоянинг мавжудлиги билан характерланади;
- тизимли, яъни иқтисодий, институтсион-ҳуқуқий майдон, хўжалик институтлари характери ташқи муҳит билан алоқага киришиб механизм ва меъёрларининг умумийлигига эришиш;
- тизим ичидаги мақсадга мувофиқ хўжалик юритиш қоидаларига риоя қилиш асосида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини таъминлаш.

Глобаллашув, техника-технологиянинг ривожланиши ҳамда иқтисодиёт соҳаларининг эркинлаштирилиши, бозор тамойиллари ва қонунларининг амал қила бошлаши миллий иқтисодиётга қатор иқтисодий эркинликларни танлаш имкониятини берди. Жумладан, Ўзбекистон стратегик ҳамкорларни танлаш, барқарор молиялаштиришнинг янги манбаларини топиш, самарали бошқарув усуллари танлаш имкониятига эга бўлди.

Миллий иқтисодиёт амал қилишининг амалий аҳамияти юқори бўлган мазкур босқичини ривожлантиришда соҳани иқтисодий бошқаришнинг назарий жиҳатларига аниқлик киритиш илмий ва амалий аҳамият касб этади. Миллий хўжалик тизимини иқтисодий бошқаришнинг концептуал асослари ўз ичига иқтисодий бошқаришнинг тамойиллари, мақсад ва вазифалари, амалга оширишнинг шарт-шароитлари, босқичлари ҳамда кутиладиган ижтимоий-иқтисодий натижаларини қамраб олади.

Миллий хўжалик тизимининг ривожланишида эътибор берилиши ва аниқ тасаввур ҳосил қилиниши лозим бўлган жиҳатларга кўра, миллий иқтисодиёт фаолиятининг асосий мақсади рақобатбардош ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимини шакллантиришдан иборат.

Миллий иқтисодиётнинг такомиллашиш босқичлари жорий ва стратегик режалаштириш, ташкиллаштириш, ижро ва назорат қилишдан иборат. Миллий иқтисодиётни бошқаришнинг асосий шарт-шароитлари доимо кенгайиб, такомиллашиб боради.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ички шарт-шароитларига ижтимоий йўналтирилганлик, аралаш бозор иқтисодиётини қуриш, таркибий қайта қуришларни такомиллаштириб бориш, бозор тан олмайдиган ишлаб чиқариш соҳа ва турларига барҳам бериш, иш ўринлари яратишни кенгайтириб бориш йўли билан бандликни яхшилаш, барқарор иқтисодий самарадорлик ва экологик ҳимояланганликни таъминлашга эришиш ва бошқалар киради.

Миллий иқтисодиётнинг шаклланиш, фаолият кўрсатиш ва ривожланиш самарадорлиги тизимли шарт-шароитлар ва тамойиллар туркуми билан таъминланади.

Улар қаторига мамлакат, унинг минтақалари ва иқтисодий секторлари учун ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида мулкӣ муносабатларни, хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқӣ шаклларини, реал секторнинг фаолият кўрсатишини, молиявий тизимни бозор институтларини бошқаришни тартибга солиб, ягона институционал-ҳуқуқӣ муҳитни яратиш киради.

Глобаллашув аввало, ривожланган мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатларда намоён бўлиб, у кейинчалик ўз ичига ривожланаётган давлатлар миллий хўжалигини ҳам қамраб олди.

Айтиш керакки, глобаллашув дунёнинг турли давлатлари тараққиётида ўзининг ижобий ва баъзан салбий таъсирини кўрсатмоқда. Иқтисодий адабиётларда глобаллашув тушунчаси давлатлар ўртасида товарлар ва ишлаб чиқариш омиллари ҳисобланган меҳнат, капитал, моддий, инноватсион ресурслар ва тадбиркорлик қобилиятларининг эркин харажати таъминланиши билан изоҳланади.

Жаҳон хўжалигидаги яна бир муҳим тенденция – байналмилаллашув глобаллашувнинг моҳиятини янада кенгайтирди. Байналмилаллашув миллий иқтисодиётлар фаолиятининг, хусусан, бирор мамлакатдаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки иқтисодий ўсиш жараёнларининг бир нечта мамлакат резидентлари иштирокида, кўпмиллатли асосда амалга оширилишини билдиради. Бошқача айтганда, трансмиллий компаниялар фаолияти миллий иқтисодиётлар тараққий этишида салмоғли таъсирга эга бўляпти¹.

1.1.2-расм. Жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашуви ва глобаллашувининг алоқадорлик схемаси².

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривож- ланиши		Халқаро меҳнат тақсимо- ти		Халқаро иқтисодий ҳамкорлик (ишлаб чиқа-риш ва капи-тал байнал- милаллашуви)		Халқаро иқтисодий интегра- ция		Жаҳон хўжалиги-нинг гло-баллашуви
--	--	-------------------------------------	--	--	--	---	--	---

Жаҳон хўжалигидаги бирор бир миллий иқтисодиёт кўлами ва тараққиёт даражасидан қатъий назар мавжуд ишлаб чиқариш омиллари технологияси ва капиталга эҳтиёжидан келиб чиқиб ҳозирги шароитда иқтисодий ривожланишининг оптимал ва рационал стратегиясини жаҳон хўжалиги иштирокчиларининг устувор йўналиш ва тартиб қоидаларини ҳисобга олмасдан шакллантира олмайди. Глобаллашув жаҳон хўжалигининг барча минтақа ва секторларини қамраб олади ва миллий иқтисодиётларнинг тараққиётида ташқи ва ички омиллар таъсири нисбатини ташқи омилларга кўпроқ ён бостиришга олиб келади.

Бугунги кунда глобаллашув жаҳон хўжалиги ривожланишининг тарихий жихатдан тадрижий натижаси ҳисобланиб, унинг замонавий белгилари қуйидагилардан иборат:

¹ Қаранг: Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси.-Т.: Шарқ, 2006,-480 б.

² Манба: Илмий-услубий ёндашувлар тақлили асосида муаллиф томонидан тузилди.

- янги хорижий валюта ва капиталлар бозорининг шаклланиб ривожланиши, бу бозорлар узлуксиз фаолиятда бўлиб, бир вақтнинг ўзида дунёнинг турли молиявий марказлари ўртасида йирик молиявий ва валюта операцияларини амалга ошириш имконияти мавжудлиги;
- янги воситалар ва дастаклар орқали операцияларнинг тезлиги ва ишончлилигини таъминлаш имкониятининг мавжудлиги, Интернет тармоғи, уяли телефон алоқаси, ахборот тизими ва бошқалар;
- янги қоидаларнинг ишлаб чиқилганлиги; икки томонлама ва кўп томонлама савдо, хизматлар ва интеллектуал салоҳиятдан фойдаланиш бўйича шартномаларнинг тузилиши ва бу шартномаларнинг миллий давлатлар томонидан амал қилиниши мажбурийлиги ёки миллий конунчиликнинг уларга мувофиқлаштирилиши.

Глобаллашув муайян мамлакатдаги ишлаб чиқариш кучларининг сифат жиҳатидан янги ривожланиш босқичига ўтиши билан боғлиқ бўлиб, миллий чегаралар билан тўсилган ижтимоий-иқтисодий воқеликнинг халқаро доирада интеграциялашиши ҳамдир.

Шундай қилиб, миллий иқтисодиёт ташқи муҳит таъсиридан имкон қадар ҳоли бўлган хўжалик тури бўлса-да, у биқик характерда эмас. Ҳозирги шароитдаги глобаллашув ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви жараёнлари унинг ривожланишига ўзининг таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

1.2. Миллий иқтисодиёт амал қилишининг мақсади, мезон ва сифат кўрсаткичлари

Ҳар қандай миллий иқтисодиёт ўз миқёси ва ўлчови, фаолият кўрсатишининг стратегик йўналишлари, самарадорлик кўрсаткичларига эга бўлади. Бусиз миллий иқтисодиётнинг хусусиятларини аниқлаш ва фаолиятига баҳо бериш мумкин эмас. Шу жиҳатдан миллий иқтисодиёт

фаолиятининг мезон ва ўлчамларини тадқиқ этиш илмий-услубий ва назарий аҳамият касб этади.

Миллий иқтисодиёт фаолият кўрсатишининг мезони ҳар бир босқичда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг эришилган даражасидир.

1.2.1-расм. Миллий иқтисодиётнинг ривожланиш мезони, ўлчамлари ва вазифалари¹.

	Миллий иқтисодиёт фаолиятининг мезони
	Мамлакат эришган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси
Миллий иқтисодиёт фаолиятининг ўлчамлари	I. Иқтисодий салоҳият II. Иқтисодий ўсиш III. Ижтимоий тараққиёт IV. Хўжалик мажмуаларининг молиявий ҳолати V. Бозор иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичлари VI. Давлатнинг иқтисодиётга аралашиш даражаси VII. Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши VIII. Миллий иқтисодиётнинг халқаро интеграцион жараёнлардаги иштироки. IX. Иқтисодий мустақиллик ва хавфсизликнинг таъминланганлиги
Миллий иқтисодиёт фаолиятининг вазифалари	Мавжуд молиявий, иқтисодий, табиий, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиб ижтимоий иқтисодий самарадорликни таъминлаш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли турмуш ва иш шароитларини яхшилаш, реал даромадларни ошириш

Миллий иқтисодиёт фаолиятининг ўлчамлари асосан ялпи иқтисодий салоҳият, иқтисодий ўсиш, хўжалик мажмуаларининг ҳолати ва амал қилишининг динамикаси, бозор иқтисодиёти шаклланиши ва ривожланиши кўрсаткичлари, давлатнинг иқтисодиётга аралашиш кўлами ва даражаси, миллий иқтисодиётнинг минтақавий ва халқаро интеграция жараёнларидаги иштироки, иқтисодий мустақиллик ва иқтисодий хавфсизликнинг таъминланганлиги каби қатор йуналишлар билан белгиланади.

Таъкидланганларнинг ҳар бири бўйича кўрсаткичлар тизими мавжуд. Шундан кўриниб турибдики, миллий иқтисодиёт фаолиятининг мезони ва кўрсаткичларини аниқлаш, самарадорлигига баҳо бериш мураккаб, кенг қамровли ва тизимли ёндошувни талаб қилади.

¹ Манба: илмий-услубий ёндашувлар таълили асосида муаллиф томонидан тузилди.

Миллий иқтисодиётнинг ялпи иқтисодий салоҳияти ўз ичига табиий ресурслар салоҳияти, демографик ва меҳнат салоҳияти, илмий, илмий-техника ва инновацион салоҳият, ишлаб чиқариш салоҳияти, инвестицион салоҳият, ташқи иқтисодий салоҳият ва экологик салоҳиятни қамраб олади.

Ўлчамлари	Миллий иқтисодиёт фаолиятининг асосий кўрсаткичлари
Иқтисодий салоҳият	I 1. Табиий ресурслар салоҳияти 2. Демографик ва меҳнат салоҳияти 3. Илмий техник ва инновацион салоҳият 4. Ишлаб чиқариш салоҳияти 5. Инвестицион салоҳият 6. Ташқи иқтисодий салоҳият 7. Экологик салоҳият
Иқтисодий ўсиш	II 1. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), соф миллий маҳсулот (СММ) ва миллий даромад мутлоқ, ҳажми, аҳоли жон боши ва иқтисодий харажатлар бирлигига нисбий миқдорларининг ўсиш суръати. 2. Тармоқлар (саноат, қишлоқ, хўжалиги) ялпи маҳсулотининг ўсиш суръати 3. Чакана товарлар айланмасининг ўсиш суръати 4. Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг ўсиш суръати 5. Ташқи савдо айланмаси (экспорт, импорт) нинг ўсиш суръати
Ижтимоий тараққиёт	III 1. Аҳоли турмуш даражаси 2. Аҳоли реал даромадлари (реал иш хақи) даражаси 3. Аҳолининг табиий ўсиши ва ўртача умр даражаси 4. Ижтимоий муассасалар ва инфратузилманинг ривожланиш ҳолати
Хужалик мажмуаларининг молиявий ҳолати	IV 1. Иқтисодий субъектларнинг молиявий барқарорлиги 2. Фойда (зарар) мутлоқ ва нисбий миқдорининг ўзгариши
Бозор иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичлари	V 1. ЯИМ (СММ, МД)да хусусий ва тадбиркорлик секторининг улуши 2. Хусусий ва нодавлат мулкларининг умумий мулкдаги улуши 3. Соф рақобатли бозорнинг бозор тизимидаги улуши

1.2.2-расм. Миллий иқтисодиёт фаолиятининг асосий кўрсаткичлари ва ўлчамлари¹.

Миллий иқтисодиёт фаолиятининг энг муҳим тавсифловчи кўрсаткичларидан ҳисобланган иқтисодий ўсиш суръатлари ялпи ички

¹ манба: Илмий-услубий ёндашувлар таълили асосида муаллиф томонидан тузилди.

маҳсулот (ЯИМ) ва ялпи миллий маҳсулотнинг (ЯММ) қўшимча ўсиш суръатларида ўз ифодасини топади.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий ўсиш қатор макроиқтисодий кўрсаткичларда ифодаланади. Амалдаги ва солиштирма баҳо (нарх)лардаги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг яхшилана бориши, макроиқтисодий барқарорлик таъминлаётганини англатади. Макроиқтисодий барқарорлик куйидаги кўрсаткичларнинг ўсишида ўз аксини топади: ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), миллий даромад (МД), ялпи саноат маҳсулоти, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти (деҳқончилик ва чорвачилик) истеъмол товарлари, асосий капиталга инвестициялар, қурилиш ишлари, юк айланмаси, йуловчилар айланмаси, чакана товар айланмаси, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш миқдори, ташқи савдо обороти (экспорт, импорт) ва бошқалар. Бу кўрсаткичлар миллий иқтисодиётнинг индикаторлари ҳисобланади. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар орасида иккита асосий, мезон кўрсаткичлари мавжуд бўлиб, уларга ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий маҳсулот киради.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – миллий иқтисодиёт фаолиятининг муайян давр (ой, чорак, йил) давомидаги умумий натижаларини тавсифлайдиган кўрсаткичлардир. Мамлакат ҳудудида жойлашган барча корхоналар (чет эл ва қўшма корхоналар ҳам шу ҳисобга киради) томонидан жами ишлаб чиқариш омиллари билан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг бозор қийматларидаги ифодаси бўлиб, унинг миқдори миллий ҳисоблар тизими асосида ҳисоблаб чиқилади.

XX асрнинг охириги ўн йиллигида иқтисодий ўсиш назариясига янги мезон – барқарорлик кўрсаткичи киритилди. Миллий иқтисодиёт ривожланиши ҳамда статистик ахборотларида ривожланишнинг янги моделини шакллантириш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Ҳозирги вақтда “барқарор ривожланиш” тушунчасининг қатор таърифлари мавжуд. “Барқарор иқтисодий ўсиш” тушунчаси миллий иқтисодиётнинг шундай бир ҳолатини ифодалаш керакки, унда салбий ёки

нолга тенг бўлиши мумкин бўлган реал ўзгарувчан мезон ва кўрсаткичлар узлуксиз мутаносиб суръатларда ўсиши лозим¹.

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиш салоҳиятини кўп жихатдан унинг таркибий мувозанатлашганлиги билан, энг аввало бозор иқтисодиётининг асосий нисбати ҳисобланадиган ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми орқали ифодаланадиган пировард товарлар истеъмоли ва ялпи жамғариш сўммаси сифатида ҳисобланадиган ички талаб ўртасидаги мувозанат орқали белгиланади.

Миллий иқтисодиётнинг мувозанатлашганлик даражаси иқтисодий ресурсларга, шу жумладан меҳнат ресурсларига талаб ва таклиф нисбатида ҳам акс этади. БМТнинг миллий ҳисоблар тизимида ЯИМ бирламчи иқтисодий кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Миқдор жихатдан бу кўрсаткич ва ЯММ ўртасидаги миқдорий фарқ унчалик катта эмас: ривожланган мамлакатларда бу фарқ бир фоиздан ошмайди. Ялпи миллий маҳсулот (даромад) (ЯММ ёки ЯМД) – мамлакатнинг маълум муддат (одатда, ой, квартал, йил) ичида умумий иқтисодий фаолиятни тавсифловчи якуний макроиқтисодий кўрсаткичларидан бири. ЯММ мамлакатнинг бозор нархларида ифодаланган барча бирламчи даромадлари йиғиндисини ифодалайди.

Ҳозирги глобаллашув даврида мамлакатлар ўртасида капитал, ишчи кучи, товарлар ва хизматлар оқими тез содир бўлади. Натижада бир мамлакат капиталининг маълум бир қисмидан бошқа мамлакатлар иқтисодиёти фаолиятида фойдаланилади. Айни пайтда эса мамлакатнинг баъзи активлари (корхоналар, кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар) хорижий фуқаролар ва фирмалар (норезидентлар)нинг тасарруфида бўлади. Норезидентлар ўз мулкларидан олган даромадларининг бир қисмини ватанларига ўтказиб туришлари натижасида ялпи ички маҳсулот миқдори билан тегишли мамлакат ихтиёридаги амалдаги ялпи миллий даромад (ЯММ) миқдори бири-бирига мувофиқ, келмай қолади. Шу боис ЯММ ҳажмини тўғри аниқлаш

¹ Словарь современной экономической теории Макмиллана.-М.: 1997, Сю471.

учун ялпи ички маҳсулотга мамлакатга унинг чет эллардаги ўз фуқаролари мулкидан тушган даромадлар билан мамлакатдан чиқиб кетган чет элликлар даромадлари ўртасидаги фарқни қўшиш керак. Чет элдаги мулклардан тушган даромадлар сальдоси ижобий бўлса, ЯММ ҳажми ялпи ички маҳсулотдан кўп, аксинча ҳолатда кам бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан бир йил давомида иқтисодиётнинг реал тармоқларида яратилган соф маҳсулот, ялпи маҳсулот ажмилан уни ишлаб чиқариш учун сафрланалиган меҳнат воситаларини қоплайдиган маҳсулот миқдорини - қоплаш фондини чегириб ташлагандан кейин қоладиган қисмидир. СММ дан эгри солиқлар чиқариб ташланса, мамлакатнинг миллий даромади ҳосил бўлади.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг макроиқтисодий ривожланиши туб маънода барқарор мазмун касб этиб бормоқда. Бу ижобий тамойил кўп жиҳатдан миллий иқтисодиёт тараққиётининг ўзига хос “ўзбек модели” жаҳондаги иқтисодий ва сиёсий тебранишларга, ташқи бозор конъюктурасига эмас, балки, ривожланишининг ички имкониятларидан самарали фойдаланишга ҳам асосланади. Бундан ташқари, бу модель миллий иқтисодиётнинг хом ашёга ихтисослашувини сусайтириб, қўшилган қийматининг ҳиссаси юқори бўлган тармоқлар улушининг ортишига, институционал ислохотларни амалга оширишга, иқтисодиётнинг қатор секторларини қайта ташкил этиш каби тадбирларга таянади. Мамлакатдаги реал ишлаб чиқариш тармоқларида яратилган соф маҳсулотдан иборат бўлган миллий даромад миллий иқтисодиёт тараққиётини таъминлашнинг, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий манбаидир. Аммо, миллий даромад моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган соф маҳсулотнигина қамраб олади. Шунинг учун ҳам миллий ҳисоблар тизимида ўтиш муносабати билан, халқаро ҳисоб-китобларни такомиллаштириш учун миллий даромад ўрнига 1993 йилдан бошлаб ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи қўлланила бошлади.

Хар қандай жамиятда моддий бойликлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш объектив зарурат ҳисобланиб, бу жамият истеъмолининг миқдор ва сифат жиҳатидан ортиб бориши объективлигидан келиб чиқади. Шу сабабли миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш узлуксиз амал қилиши ва такомиллашиб бориши лозим. Миллий иқтисодиёт фаолиятидаги муҳим жиҳатлардан бири ишлаб чиқариш жараёнининг айна вақтда такрор ишлаб чиқариш жараёни эканлигидир. Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг асосий ташкил этувчилари иқтисодий неъматларни такрор ишлаб чиқариш; асосий ишлаб чиқариш омилларини, жумладан, ишчи кучи ва капитални; моддий неъматлар ва хизматларни яратиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш муносабатларини, инсон ҳаёти шарт-шароитларини такрор ишлаб чиқаришдан иборат. Бундан ташқари ишлаб чиқаришни ташкил этиш шароитлари, ялпи маҳсулотни айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларини ҳам такрор ишлаб чиқариш юз беради. Миллий иқтисодиётдаги ана шу такрор ишлаб чиқариш жараёнлари ўзаро мутаносибликда, бир-бирини тўлдирувчи тавсифда бўлишини таъминлаш зарур. Бу доирада иқтисодий ўсишни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозир миллий ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштиришга ва маҳсулот сифатини оширишга табиий ва меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати, асосий капитал ҳажми, илмий-техника тараққиёти, жамиятнинг ялпи талаби каби омиллар ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқда.

Миллий иқтисодиёт тармоқ мажмуалари ривожланиш даражаси, уларнинг ўзаро нисбати, умумий иқтисодиётдаги улуши, таркибий силжишлар, ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби, тармоқлараро ресурслар айирбошланиши кабилар миллий иқтисодиётнинг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади. Миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркибини ўрганишда турли ёндошувлар мавжуд. Бу ана шу тармоқларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти, қўшилган қиймат яратишдаги аҳамияти,

такрор ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришдаги роли кабилардан келиб чиқади.

Тадқиқотларда иқтисодиётнинг реал ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ажратиб ўрганиш анъанаси ҳам мавжуд. Иқтисодиётнинг реал соҳалари бу асосан қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларидан иборат. Бошқача айтганда, товарлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар реал сектор ҳисобланади.

Миллий иқтисодиёт фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан бозор муносабатларининг қанчалик амал қилишига, иқтисодиётнинг бозор механизми қанчалик такомиллашганлигига ҳам боғлиқ. Шу жиҳатдан, миллий иқтисодиётнинг бозор иқтисодиёти мазмунини касб этиши муҳим аҳамиятга эга. Бозор иқтисодиёти шаклланишининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ёш суверен мамлакатларда миллий иқтисодиёт салоҳиятини белгилаб берадиган омил ҳисобланади. Бунда бозорга ўтиш стратегияси, бозор институтларининг иқтисодий муносабатларни қамраб олиш даражаси, бозор сегментларининг ривожланганлиги, миллий бозорнинг халқаро бозорга интеграциялашиш даражаси, тадбиркорлик фаолиятига эркинликлар бериш кабилар муҳим тавсифловчи кўрсаткичлар бўлиб майдонга чиқади.

Ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг амал қилиши мамлакатнинг туб миллий манфаатларига, давлат ва жамиятнинг мақсад ва вазифаларига мос келиши лозим. Акс ҳолда миллий иқтисодиётнинг самарали ишлаш механизми такомиллашмай қолади. Хусусий тадбиркорлик ва давлат манфаатлари ўртасида кучли зиддият юзага келади. Шу сабабли иқтисодчилар ўртасида давлатнинг иқтисодиётдаги ролига баҳо беришда қизғин мунозаралар бўлиб туради. Давлатнинг иқтисодиётдаги ўрни ва роли унинг иқтисодий сиёсати кўламига, тадбиркорлик фаолиятига яратилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларига, иқтисодиёт таркибий қисмлари ўртасидаги узвий боғлиқлик ва давомийлигининг таъминланганлиги кабиларга боғлиқ.

Миллий ҳисоблар тизими амалиётига кўра, иқтисодиёт тармоқларини учта сектор бўйича таҳлил қилиш анъанаси мавжуд:

- бирламчи (бу секторда табиий ресурсларни ишлаб чиқариш, казиб олиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ тармоқлар киради);
- иккиламчи (саноатнинг қайта ишловчи тармоқлари киради);
- учламчи (транспорт хизматлари, коммунал хўжалик, савдо, муҳофаа, давлат бошқаруви ва бошқалар).

Иқтисодиётнинг реал сектори ялпи ички маҳсулот ҳажми билан аниқланса, молиявий сектори ички товар алмашинуви учун зарур бўлган пул миқдори билан аниқланади.

Иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби макродаражада ялпи ички маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш босқичлари ўртасидаги ўзаро нисбатларни таҳлил қилиш учун илмий муомалага киритилган бўлиб, унинг таркибий қисмлари ўзгаришларининг йуналишларини ўзида акс эттиради¹. Бу ўзгаришлар жамиятнинг ижтимоий йуналганлик даражаси тўғрисида, ишлаб чиқаришнинг ортиқча ресурс сиғимлигига бардам бериш, истеъмол ва жамғариш динамикаси ва шунга мувофиқ равишда миллий иқтисодиётни янгилашнинг инвестицион-инновация имкониятлари ва экспортга йуналганлик даражасини таҳлил қилиш имкониятини беради.

Миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркиби тармоқлараро нисбатлар динамикаси, устувор тармоқларнинг самарадорлик нуқтаи назаридан ўсиши, ижтимоий йуналганлиги, илм талаблиги, ресурсларни тежаш, аҳолининг экологик ҳимояланганлигини кузатиш имконини беради.

Миллий иқтисодиётнинг технологик таркиби ушбу устувор йуналишларни анъанавий ва энг янги технологиялар ўртасидаги ўзаро нисбат динамикаси ва илмталаб юқори технологияларнинг иқтисодиётга жорий этилиш ҳажми тўғрисидаги маълумотлар билан аниқлаштиради, тўлдиради.

¹ Эрматов Ш. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳудудий таркибидаги ўзгаришлар// Глобаллашув шароитида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг долзарб муаммолари. Т.: Б. 18-20.

Миллий иқтисодиётнинг минтақавий таркиби ишлаб чиқаришни, айниқса, ижтимоий инфратузилмани жойлаштириш ва комплекс ривожлантиришда муҳим нисбатларни ўзида акс эттиради.

Бундай шароитда бандликнинг ҳудудий жиҳатларини шакллантириш орқали иқтисодий ўсишга эришиш талаби унинг ўсиш суръати паст бўлган ҳудудларни ўртача даражага чиқариш ва барча ҳудудларда самарали бандликка эришиб боришни тақозо этади.

Иқтисодиётнинг ижтимоий таркиби муҳим иқтисодий белгилар (мулк, даромадлар, малака ва бошқалар) бўйича гуруҳлаштирилган ижтимоий гуруҳлар тўпламини, шунингдек, уларнинг нисбий динамикасини ўзида акс эттиради. Юқорида келтирилган барча иқтисодий таркиб турлари иқтисодиётнинг бир бутунлигини шакллантиради, унинг унсурларининг ўзаро таъсирини ифодалайди.

Минтақавий ва халқаро иқтисодий интеграциялашув ҳам миллий иқтисодиётнинг фаолиятини таҳлил қилиш ва унинг самарадорлигига баҳо бериш имкониятини беради. Бунда муҳим кўрсаткичлар қаторига миллий иқтисодиётнинг интеграциялашув шарт-шароитлари, интеграциялашув шакли ва механизмлари, интеграцион минтақадаги меҳнат тақсимоотида ихтисослашув йуналишлари, ташқи иқтисодий фаолиятнинг ўлчамлари, ташқи иқтисодий фаолиятнинг эркинлаштирилганлик даражасини киритиш мумкин.

Шундай қилиб, миллий иқтисодиёт алоҳида олинган мамлакат чегаралари доирасида иқтисодиётнинг амал қилиш шакли бўлиб, унинг моҳияти мамлакат ҳудудида яшовчи асосий миллат (халқ)нинг тарихан шаклланган ва ривожланаётган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-сиёсий муносабатлари билан белгиланади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Миллий иқтисодиёт ташқи муҳит таъсиридан имкон қадар ҳоли бўлган ҳўжалик тури бўлиб, аммо у биқик (махдуд) характерда бўлиши мумкин

эмас. Хусусан, халқаро савдо, инвестициялар, молиявий ва технологик ҳамкорликнинг ўсиши миллий иқтисодиётни глобаллашувнинг объектига айлантириб юбормоқда. Бу ҳолат миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги амал қилиш тамойилларига ва хусусиятларига бевосита боғлиқлигини кучайтирмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг самарали фаолият кўрсатиши қатор мезон ва кўрсаткичларда ифодаланади. Улар жумласига ялпи иқтисодий салоҳият, иқтисодий ўсиш, ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот, хўжалик мажмуаларининг фаолият динамикаси, бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиши кўрсаткичлари, давлатнинг иқтисодиётга аралашishi кўлами ва даражаси, миллий иқтисодиётнинг минтақавий ва халқаро интеграция жараёнидаги иштироки, иқтисодий мустақиллик ва иқтисодий хавфсизликнинг таъминлаганлиги каби қатор тушунчалар киритилади.

Миллий иқтисодиётнинг самарали фаолият кўрсатиши қатор синтетик мезон ва иқтисодий кўрсаткичлардан ташқари барқарор ривожланиш, барқарор иқтисодий ўсиш каби сифат кўрсаткичлари билан ҳам ифодаланади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози муносабати билан иқтисодиёт назариясига инқироздан кейинги, сўнгги иқтисодий ривожланиш тушунчаси ҳам кириб келди. Бу тушунча бир қатор иқтисодий кўрсаткичларда ифодаланиб, унинг асосини аҳоли турмуш фаровонлигининг ўсиши ташкил этади.

Миллий иқтисодиёт тушунчасига статик тарзда эмас, балки динамик (ҳаракатдаги) ёндошиш лозимдир. Чунки у ўзида мураккаб, ўзгариб турувчи, такомиллашиб борувчи мулкий ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни мужассамлаштиради.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНING АСОСИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

2.1. Миллий иқтисодиёт шаклланишининг асосий шарт-шароитлари ва ривожланиш тамойиллари

Жаҳон хўжалиги тараққиёти тажрибаси шуни кўрсатадики, миллий иқтисодиётнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни узок даврни қамраб олади ҳамда доимо зиддиятли ва мураккаб кечади. Чунки, миллий иқтисодиёт ўз-ўзича амал қила олмайди, балки, жаҳон хўжалигининг ажралмас бир қисми сифатида майдонга чиқади. Бундай шароитда миллий иқтисодиётнинг ресурслар салоҳияти жаҳон хўжалигининг бошқа субъектлари, масалан, трансмиллий корпорациялар томонидан максимал даражада самарали фойдаланишга ҳаракат қилинади. Бу, ўз навбатида миллий манфаатларга мос келмайди, балки зид келади.

Бошқа томондан, миллий иқтисодиёт ички таркибий- тузилмавий тизимга эга бўлиш билан бирга доимо ҳам мақсадга мувофиқ йуналишда фаолият кўрсатавермайди. Бунга сиёсий-ғоявий, миллий-анъанавий, ички минтақавий, ҳарбий ва бошқа шарт-шароитлар ҳам кўпинча акс таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, муайян мамлакат хўжалиги сиёсий-ғоявий манфаатларга ёки сиёсий-ҳарбий доктриналарга кўр-кўрона бўйсундирилган бўлса, мавжуд ресурслар кўпроқ шу мақсадларга ишлатилади, натижада миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги пасайиб, иқтисодий ва инсон ресурсларини такрор ишлаб чиқариш имкониятлари торайиб боради.

Миллий иқтисодиётнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни айниқса трансформация давларида ўз қўлами ва тараққиёт йуналишларини ўзгартиради. Гап бу ерда ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг алмашинуви, хусусан, турли мулкчиликка асосланган иқтисодиётнинг инқилобий йул билан ижтимоий мулкчиликка асосланган режали иқтисодиётга айлантирилиши, бунинг акси, режали иқтисодиётнинг эса эволюцион (ёки

революцион) шаклда хусусий мулкчилик устувор бўлган иқтисодиётга айлантирилиши бормокда. Ҳар иккала ҳолатда ҳам миллий иқтисодиётда сифат жиҳатидан мутлақо бошқа институционал, таркибий-тузилмавий, молиявий-иқтисодий, сиёсий-ғоявий муносабатлар тизими қайтадан, янгидан шакллантирилади. Бу эса маълум вақтни, ўтиш даврини тақозо этади.

Мустақилликнинг қўлга киритилиши билан Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг бозор трансформацияси, яъни рақобат ва турли мулкчиликка асосланган янги иқтисодий муносабатларнинг шакллантирилиши босқичи бошланди. Бу жараён мустақил давлат иқтисодий тизимининг барча унсурлари, институтлари ва ўзига хос хусусиятларини тўла шакллантириш, ижтимоий йуналтирилган бозор хўжалигини такомиллаштириб бориш, хўжалик ҳаётининг глобаллашуви, байналмилаллашуви, халқаро доирадаги ихтисослашуви ва самарали меҳнат тақсмотига қўшилишни таъминлаш, илғор, замонавий юқори технологиялар асосида иқтисодиётнинг таркибий тузилишини чуқур қайта кўриб бориш кабилар билан изоҳланади.

Мазкур бозор трансформацияси жараёнларини муваффақиятли амалга ошириш ва яқунлаш учун етарли ва қулай шарт-шароитлар яратилиши керак. Худди шу шарт-шароитлар амал қилиб, ривожланаётган иқтисодий тизимга мукаммаллашган миллий иқтисодиёт тавсифини беради.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланишига бозор иқтисодиётига бевосита боғлиқ бўлмаган қатор шарт-шароитлар устувор таъсир қўрсатиб келди. Буларни мазмунига қўра, геосиёсий, жуғрофий, ижтимоий, экологик, демографик хусусиятларга эга шарт-шароитлар сифатида алоҳида талқин этиш мумкин.

2.1.1-расм. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти қарор топиши ва ривожланишининг концептуал “кўриниши”¹.

Мақсад: чекланган табиий хом ашё ресурслардан оқилона фойдаланиш имкониятини берувчи, бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимни шакллантириш	
Қарор топиш шартлари: Ягона давлатчилик ва ҳудуд мавжудлиги, иқтисодиётни бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий тизими, ресурслар салоҳиятининг (меҳнат, минерал хом ашё, ёқилғи-энергетика, ер ва сув, илмий-техник ҳамда инновацион) мавжудлиги	
Ривожланишнинг асосий тамойиллари: Бозор муносабатларга ўтишнинг босқичма-босқичлиги, ижтимоий йуналтирилганлиги, давлатнинг бош ислохотчилиги, стратегик мақсадларнинг мантиқий боғлиқлиги ва узвийлиги, турли мулкчилик шаклларига тенг ҳуқуқларнинг тан олиниши, давлат ва ҳалқ манфаатларининг уйғунлаштирилиши	
Ривожланишга таъсир кўрсатувчи омиллар:	
Рағбатлантирувчи Ресурслар салоҳиятининг кенглиги, юқори деҳқончилик маданияти, нисбатан арзон ва малакали ишчи кучи мавжудлиги, иқтисодиётнинг кўп тармоқлиги, ижтимоий- сиёсий барқарорлик ва бошқ.	Қарши таъсир кўрсатувчи Миллий бозорнинг торлиги, асосий капиталнинг эскирганлиги, йирик ва ривожланган бозорлардан узоқлиги, ҳудуднинг денгиз йулларидан узоқлиги, минтақавий интеграция-нинг сустлиги, ҳудудлар тараққиёти ўртасидаги тафовутнинг мавжудлиги ва бошқ.
Ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги зиддиятлар, номутаносибликлар:	
Ишлаб чиқариш салоҳияти кенг Деҳқончилик маданияти юксак Аҳолининг аксарият қисми қишлоқдарда жойлашган Меҳнат ресурслари мамлакат ҳудуди бўйлаб нотекис жойлашган	Миллий бозор тор Суғориладиган ер чекланган Урбанизация жараёни суст Ишчи кучи мобиллиги паст
Натижа: барқарор, жаҳон ҳўжалигига самарали интеграциялашган, рақобатбардош иқтисодий тизимнинг фаолият кўрсатиши	

Мустақиликка эришиш натижасида мамлакат иқтисодиётининг, жумладан, миллий бозорнинг очиклиги, халқаро иқтисодий ҳамкорликда стратегик устунликларнинг танланиши ва уларнинг барқарорлиги, ташқи бозор конъюнктурасининг миллий ишлаб чиқариш ва истеъмол учун қулайлик даражаси кабилар миллий иқтисодиётнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсата бошлади. Юзага келган мураккаб ва айни пайтда зиддиятли жараёнлар миллий иқтисодиётни ривожлантиришда бозор тамойилларига

¹ Турил та=лилий материаллар асосида муаллиф томонидан тузилди

нисбатан кўпроқ институционал тартиб қоидаларнинг устуворлигини таъминлаган ҳолда ёндошувни тақозо қилди.

Фикримизча, Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ривожланишининг концептуал “кўриниши” миллий иқтисодиёт амал қилишининг мақсади, вазифалари, асосий шартлари, ривожланишининг устувор тамойиллари, ривожланишга таъсир кўрсатадиган рағбатлантирувчи ва жараёни секинлаштирувчи муҳим омиллари, ривожланишда кузатиладиган, тезда барҳам топиши мушкул бўлган асосий зиддиятлар (парадокслар) ва номутаносибликлар ҳамда ривожланишнинг натижаларини ўзида акс эттиради. (қаранг: 2.1.1-расм).

Чизмада миллий иқтисодиёт қарор топиши ва ривожланишининг концептуал манзараси содда кўринишда берилган. Миллий хўжаликнинг ташкил этувчилари бошқа томондан иқтисодиётнинг давлат сектори (давлат мулки), уй хўжалиги (шахсий мулк), корхоналар фаолияти (корпоратив мулк) ва улар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимини ҳам қамраб олади. Мазкур ҳолатни ва Ўзбекистонда шаклланган бозор муносабатларининг ижтимоий характерини ҳисобга олинса, миллий иқтисодиётнинг ижтимоий шарт-шароитлари, ўлчамлари ва уларнинг ўзгариши муҳим аҳамият касб этиши маълум бўлади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ички шарт-шароитларига ижтимоий йуналтирилган, аралаш бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, таркибий қайта қуришларни такомиллаштириб бориш, бозор тан олмайдиган ишлаб чиқариш соҳа ва турларига барҳам бериш, иш ўринлари яратишни кенгайтириб бориш йули билан самарали бандликни ошириш, барқарор иқтисодий самарадорлик ва экологик ҳимояланганликни таъминлашга эришиши ва бошқалар киради.

Миллий иқтисодиётнинг шаклланиш, фаолият кўрсатиш ва халқаро ривожланиш самарадорлиги тизимли шарт-шароитлар ва тамойиллар туркуми билан таъминланади. Улар қаторига мамлакат, унинг минтақалари ва иқтисодий секторлари учун ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида

мулкий муносабатларни, хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, реал секторнинг фаолият кўрсатишини, молиявий тизимни бозор институтларини бошқаришни тартибга солиб, ягона институционал-ҳуқуқий муҳитни яратиш кабилар киради.

Айтиш ўринлики, Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг бугунги кундаги фаолият кўрсатиши умумий ҳолатда мавжуд ресурслар салоҳиятини кенг кўламда ишга тушириш имкониятларини яратиш, бозор муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан тавсифланади. Бошқача айтганда, бозор ислохотларининг илк йилларига қиёсан сезиларли сифат ўзгаришларига эришилган бўлиши билан бирга, ҳали оқилона бандлик, тармоқлараро мутаносиблик, жадал саноатлашув, самарали экспортга йуналган иқтисодиёт таркиби, шаҳар ва қишлоқ иқтисодиётининг тегишли нисбатларини таъминлашда муаммолар мавжуд. Қолаверса, энг муҳими, инновацион ишлаб чиқаришга асосланган саноат таркибига ўтиш, ахборотлашган жамиятнинг муҳим унсурларини шакллантириш ҳам долзарб муаммолардир. Шунингдек, тадбиркорликни рағбатлантирувчи, ишлаб чиқариш ресурсларининг тўсиқсиз оқимини таъминлайдиган бозор инфратузилмасининг ҳуқуқий такомиллашувини ва амал қилишини таъминлаш зарур. Шу жиҳатдан Республика миллий иқтисодиётни жадал ўзгаришларга (жумладан, жадал саноатлашув босқичига учраётган) барқарорликка ўсиб ўтаётган босқичдаги иқтисодиёт деб тавсифлаш туғрироқ бўлади.

Шу билан бирга миллий иқтисодиётларнинг миқёслари уларнинг ривожланиш қамрови, кўлами, суръатлари ва натижаларига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан дейлик, Хитой ва Қозоғистон, ёки Россия ва Ўзбекистон иқтисодиётлари бир-биридан фарқ қилади.

2.1.2-расм. Миллий иқтисодиётлар ривожланишининг босқичлари таснифи¹

№	Ривожланиш босқичлари	Босқич таснифи	Муайян ривожланиш босқичида турган мамлакатлар
1	Анъанавий жамият	Унумдорлик ва ривожланиш имкониятлари фан ва технологиялар қолоқлиги сабабли чекланган, жамиятнинг институционал тузилиши иерархик тус олган, жамиятда консерватизм ҳукмрон	Шарқий ва Марказий Осиёнинг ривожланаётган ва кам ривожланган давлатлари
2	Ўзгаришларга ўтиш даври фазасидаги жамиятлар	Жамиятнинг олдинга қараб кетиши учун рағбат пайдо бўлади, янги сиёсий ғоялар, фан ва технологияларнинг ривожлана бошлаши, жамият ўзгаришларнинг зарур эканлигини тўла тушуна бошлайди. Бироқ инертлик ҳам ёнма-ён давом этади, жамият (айниқса меҳнат ресурслари) мобиллиги яққол кузатилмайди, бошқарувнинг қатор самарасиз усуллари ҳали ҳам ўстун	Лотин Америкасининг ривожланаётган давлатлари, собиқ иттифок (Болтиқ давлатларидан ташқари)
3	Ўзгаришлар босқичи	Тараққиёт, илғор технологиялар ва молия вий ок, имларнинг кучли босими остида иқтисодий ўсишга ақс таъсир курсатувчи омиллар орқага чекинади, юқори даражадаги жамғармалар ва инвестициялар жамиятни олдинга бошлайди, иқтисодиётда янги прогрессив соҳалар пайдо бўлади	Филиппин, Индонезия, Шарқий ва Марказий Европа ҳамда Болтиқ, мамлакатлари
4	Етуклик (такомиллашув) босқичи	Бу босқич нисбатан узоқ давом этиб, миллий хўжаликнинг барча йирик ишлаб чиқариш мажмуаларида илғор технологиялар асосида тараққиёт рўй беради, янги тармоқлар шакллантирилади ва ривожлантирилади, аҳоли турмуш даражаси юксалади, миллий хўжалик жаҳон иқтисодиётига яқиндан интеграциялашади.	Малайзия, Таиланд, Бразилия, Аргентина, Шарқий ва Марказий Европадаги ўтиш давридаги етакчи давлатлар (Польша, Венгрия)
5	Оммавий истеъмол даври	Узоқ фойдаланиладиган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот харажатларида иш ҳақининг улуши ортади, фан ва техника узлуксиз тараққий этади, ижтимоий йўналтирилган фаровонлик давлати асослари ривожлантирилади.	Ривожланган иқтисодиётга эга давлатлар

¹ Манба: Қаранг: Мясникова Л. Смена парадигмы. Новый глобальный прехт.// Могзоев А.М. Развитие экономики стран Восточной Азии и инвестиционная модель региона России М. Наука, 2004 316 с; Погорлецкий А.И Экономика зарубежных стран 2003 17-19 б. Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Бошқа томондан, бир миллий иқтисодиёт бир-биридан мулкчилик шакллариининг мавқеи, бозор муҳитининг ривожланганлик даражаси, иқтисодиётга давлат аралашувининг даражаси, иқтисодий сиёсатнинг мақсад ва вазифалари, давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро муносабат, иқтисодиётни бошқариш усуллари, давлат секторининг ўрни ва роли, иқтисодий фаолиятни молиялаштириш манбалари ва миқёслари, меҳнатни ташкил қилиш ва бошқариш тизими, ташқи иқтисодий стратегия ва ижтимоий тизимнинг хусусиятларига кўра фарқланади.

Миллий иқтисодиётга тавсиф беришда макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳам (ЯИМ ҳажми, динамикаси ва тузилиши, жон бошига ЯИМ, истеъмол нархлари индекси яъни инфляция, меҳнат унумдорлиги) муҳим тавсифловчи аҳамиятга эга бўлади¹.

Миллий иқтисодиёт ривожланишининг шарт-шароитлари тадқиқ этилганда унинг ташкил этувчилари сифатида ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳа ва минтақавий ижтимоий-иқтисодий мажмуалар нуқтаи назаридан ҳам тавсифлаш мумкин. Ўзбекистон иқтисодиётида бу мажмуаларнинг шаклланиши тармоқлар, демографик вазият ва алоҳида ҳудудлар ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши учун табиий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ва омиллар мавжудлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ҳудудий жиҳатдан ташкил этиш муайян ҳудудда ишлаб чиқариш ва меҳнатни жалб этишнинг турли шаклларда уйғун ҳолда фаолият кўрсатишларига асосланган ишлаб чиқариш кучлари ва унсурлари ўзаро таъсирининг кўп даражали тизимидир. Уларнинг минтақаларда оқилона тарзда бирлашиши табиий, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишга олиб келади.

Маълумки, иқтисодиётнинг тармоқ таркиби каби, унинг ҳудудий таркиби шаклланиши ҳам кўплаб омиллар таъсирида юз беради. У мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва жаҳон

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси.-Т.: 2005.-10 жилд 545 б

хўжалик алоқаларида тутган ўрнига ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Иқтисодиётнинг ҳудудий таркиби шаклланишига таъсир этувчи муҳим омиллар жумласига минерал хом ашё, ёқилғи-энергетика, сув, ўрмон ва ер ресурслари, меҳнат ресурслари, иқтисодий ва илмий-техника салоҳияти, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма, аҳолининг жойлашиши ва бошқаларни киритиш мумкин. Бошқа мамлакатларда (кичик давлатлар бундан мустасно) бўлгани каби, Ўзбекистон минтақаларида турли тармоқлар ва ишлаб чиқариш турларини ривожлантириш учун табиий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар бўйича бир-биридан кескин фарқланувчи тафовутлар мавжуд.

Тадқиқотчи олим Ш.Эрмаматовнинг таъкидлашича, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг минтақавий сиёсат минтақалар ривожланишидаги номутаносибликларга барҳам беришга, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ўртасидаги тафовутларни қисқартиришга йўналтирилди. Шунга қарамай мустақиллик йилларида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишда минтақавий тафовутларнинг ўсиши кузатилди¹. Бу ҳолат ялпи ички маҳсулотда вилоятларнинг ўрни ҳамда айниқса, ялпи ҳудудий маҳсулотда саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушини ҳудудлараро таҳлил этишда яққол кўзга ташланади.

Мамлакат минтақалари ижтимоий-иқтисодий ривожланишида юзага келган муаммо ва номутаносибликларни эътиборга олиб 2008-2012 йилларда Ўзбекистон ҳудудларини ривожлантиришнинг мақсадли ҳукумат дастури қабул қилинган.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида ҳудудларнинг тутган ўрни ва роли, бозор ислохотларининг йўналишларига баҳо бериш учун уларнинг жами аҳоли сони ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичларидаги салмоғини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Бундай таҳлил ва

¹ Эрмаматов Ш. Ғўзбекистон иқтисодиётининг ҳудудий таркибидаги ўзгаришлар // Глобаллашув шароитида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг долзарб муаммолари 2009, ғБ. 18

унинг натижалари миллий иқтисодиёт ривожланишининг шарт-шароитлари ва омилларини таснифлашга имконият яратади.

2.1.3-Жадвал

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ҳудудий ривожланиш даражаси бўйича тавсифи¹.

(2008-2012 йй.-да ўртача маълумотлар жамига нисбатан % да)

	Ҳудуди	Аҳоли сони	Иқтисодиётда банд бўлган- лар	ЯИМ	Саноат маҳсу- лоти	Қишлоқ хўжалиги маҳсу- лоти	Асосий восита- ларга инвести- циялар
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100
Тошкент	3,5	17,8	21,1	23,6	27,7	11,7	35,7
Фарғона	4,3	30,2	27,6	19,5	21,9	26,7	11,3
Жиззах- Сирдарё	5,7	6,6	6,0	5,1	2,6	10,3	4,5
Самарқанд- Қашқадарё	11,8	20,1	18,3	13,4	13,2	21,1	19,2
Бухоро- Навоий	31,8	8,9	10,3	11,6	19,3	12,0	12,5
Қуйи Амударё	38,3	11,5	5,6	6,2	3,0	9,3	11,5
Сурхондарё	4,6	7,3	6,4	4,8	2,2	8,9	4,7

2.1.3-жадвалдан кўриниб турибдики, ялпи ички маҳсулотнинг ҳудудий таркиби вилоятлар бўйича ҳар хил даражада. Бу ҳолат амалда миллий иқтисодиётнинг ўсишига ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Масалан, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши фақатгина Андижон, Қашқадарё, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳридагина республика ялпи ички маҳсулоти ўртача ўсишидан юқори. Қолган 10та вилоятда бу кўрсаткич республикадаги ўртача даражасидан анча паст. Саноат гигантлари жойлашган Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро, Қашқадарё,

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Навоий, Самарканд, Тошкент вилоятларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг салмоғи юқори. Аммо Қорақалпоғистон, Жиззах, Сирдарё вилоятларида унинг салмоғи анча паст даражада, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида ҳам унча юқори даражада эмас.

Бу ҳолат, албатта, ўз-ўзидан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсишида ҳам ўз ифодасини топади.

Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўртача даражасининг ўсиши (107,2%) фақат Тошкент шаҳри (117,3%), Андижон (111,9%), Қашқадарё (109,4%) ва Наманган вилоятлари ҳисобига таъминланмоқда. Қолган вилоятларда бу кўрсаткичнинг даражаси анча паст.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мамлакатда ва қатор вилоятларда ялпи ички ва ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсишида миллий иқтисодиётнинг ўзак тармоғи (реал сектор) ҳисобланадиган саноат маҳсулотининг барқарор ўсиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

Республика бўйича ялпи ички маҳсулот 109,0 фоизга ўсган бўлса, ялпи саноат маҳсулоти ўсиши 112,7 фоизни ташкил этди. Шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, (112,5%), Андижон (123,4%), Қашқадарё (118,9%), Самарканд (124,2%) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (136,8%) ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш суръати ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларига нисбатан анча юқори. Фақатгина Жиззах, Сирдарё, ва Фарғона вилоятларида ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш даражасидан паст¹.

Ялпи ички ва ялпи ҳудудий маҳсулот суръатларини таъминлашда асосий капиталга инвестициялар ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. 2008 йилда 2007 йилга нисбатан мамлакат бўйича асосий капиталга инвестициялар 128,3 фоизга ўсган бўлса, Андижон вилоятида 169,4 Фарғона вилоятида 141,9 фоиз, Қашқадарё вилоятида 163,9, Тошкент шаҳрида 167,7 фоизни ташкил

¹ Статистическое обозрение Узбекистана, Т.: 2013, Б.45.

этди. Фақат Бухоро (88%) ва Навоий (96,0%) вилоятларида бу кўрсаткич ўсмасдан, аксинча пасайган.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаол аҳоли таркибида иш билан банд аҳоли сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Бундай ўсиш тенденцияси мамлакатимизнинг барча ҳудудларига хос хусусиятга айланмоқда (2.1.4-жадвал).

2.1.4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иш билан банд бўлган аҳоли сони динамикаси (минг киши ҳисобида)⁵

Ҳудудлар	Й и л л а р					2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши	
	2008	2009	2010	2011	2012	фарқи	фоиз
Қорақалпоғистон Республикаси	561,1	566,1	580,8	590,0	600,2	39,1	107,0
<i>вилоятлар:</i>							
Андижон	1047,3	1063,0	1112,1	1144,8	1176,4	129,1	112,3
Бухоро	729,1	748,5	768,1	784,7	804,5	75,4	110,3
Жиззах	360,6	396,6	381,6	392,4	403,0	42,4	111,8
Қашқадарё	908,7	934,9	971,7	1003,8	1036,6	127,9	114,1
Навоий	396,7	404,6	408,0	413,4	418,6	21,9	105,5
Наманган	763,3	790,1	815,3	841,7	872,2	108,9	114,3
Самарқанд	1152,0	1186,7	1229,9	1269,8	1314,5	162,5	114,1
Сирдарё	304,1	318,9	320,0	327,5	334,8	30,7	110,1
Сурхондарё	722,5	744,6	784,5	817,8	843,0	120,5	116,7
Тошкент	1097,5	1127,0	1155,4	1183,5	1215,5	118	110,8
Фарғона	1280,1	1318,0	1340,5	1367,6	1398,8	118,7	109,3
Хоразм	571,1	583,0	606,7	625,2	643,4	72,3	112,7
Тошкент ш.	1140,8	1145,8	1153,8	1156,7	1162,3	21,5	101,9
Мамлакатимиз бўйича	11035,4	11328,1	11628,4	11919,1	12223,8	1188,4	110,8


2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида иш билан банд бўлган аҳоли сони 1188,4 минг кишига ёки 10,8 фоизга ўсган. Олиб борилган таҳлиллар барча ҳудудларда иш билан банд аҳоли сонининг ортганини кўрсатди. Жумладан, ўтган 5 йил давомида банд аҳоли сонининг ўсиш суръати Андижон (12,3 фоиз), Жиззах (11,8 фоиз), Қашқадарё (14,1 фоиз), Наманган (14,3 фоиз), Самарқанд (14,1 фоиз), Сурхондарё (16,7 фоиз) ва

⁵ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

Хоразм вилоятларида (12,7 фоиз) мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичидан юқори, қолган ҳудудларда эса паст бўлган.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда юртимизда минглаб янги иш ўринларини яратишга эътибор қаратилгани боис аҳолининг бандлик даражаси йил сайин ортиб, 2012 йилда бу кўрсаткич 95,1 фоизни ташкил этмоқда.

Меҳнат ресурслари балансига кўра, иш билан банд аҳоли таркиби иқтисодиётнинг расмий секторида бандлар, иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлар ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслардан иборат. Статистик маълумотларга кўра, юқоридаги уч тоифадаги банд бўлган аҳоли сони ортиб бормоқда (2.1.1-расм).



10.2.2-расм. Ўзбекистон Республикасида иш билан бандлик таркибининг тақсимооти, минг киши⁶

Расмдан кўриниб турибдики, 2008-2012 йиллар давомида иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлганлар сони – 15 фоизга, норасмий секторда банд бўлганлар сони – 3,7 фоизга, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслар сони эса 4,8 фоизга кўпайган. Бироқ олиб борилган таҳлиллар иш билан банд бўлганлар таркибида

⁶ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари

Ўзгаришлар юз берганини кўрсатади. Хусусан, 2012 йилда иқтисодийнинг расмий секторида банд бўлганлар улуши 62,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу рақам 64,6 фоизга етган ёки 2,4 бандга ортган. Ваҳоланки, бу даврда иқтисодийнинг норасмий секторида банд бўлганлар улушининг 34,9 фоиздан 32,7 фоизга, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслар улушининг эса 2,9 фоиздан 2,7 фоизга камайганини кўришимиз мумкин.

Миллий иқтисодий қарор топиши ва ривожланишининг объектив шарт-шароитлари (географик жойлашув, табиий иқлим, ресурслар салоҳияти кабилар) қанчалик қулай ва мақсадга мувофиқ бўлмасин, агар иқтисодий бошқарув ва хўжалик фаолияти амал қилишининг ташкилий-ҳуқуқий механизми етарли даражада ишлаб чиқилмаган бўлса, самарали иқтисодий тизимни шакллантириш, рақобатбардош иқтисодийни барпо этиш қийин кечади.

Шу жиҳатдан миллий иқтисодий амал қилишида давлатнинг роли ва аҳамияти масаласи доимо долзарб бўлиб туради. Бизнинг фикримизча, бунинг асосий иккита сабаби мавжуд. Булардан биринчиси, давлатнинг миллий иқтисодийни бошқариш бўйича жаҳон тажрибасида ягона самарали шаклнинг ўзи мавжуд эмаслиги, яъни давлатларнинг турли ижтимоий-иқтисодий шароитдалиги ва турли бошқарув усуллари қўллаган ҳолда самарага эришишлари бўлса, иккинчиси, жадал ахборотлашаётган дунёда, глобаллашувнинг кучайиши билан ёнма-ён ҳолда цивилизациялар ўртасидаги зиддиятлари кескинлашиши, жаҳон бозоридаги рақобат курашининг ҳам шунга боғлиқ ҳолда кучайиши. Бундай глобал жараёнлар миллий иқтисодийни ривожлантиришга либерал ва консерватив (протекционистик) ёндошувларни ҳам келтириб чиқаради. Ривожланган иқтисодийларда жаҳон хўжалигининг глобаллашуви ва минтақавий интеграциялашувга кучли интилиш жонланса, ривожланаётган давлатларда миллий бозорни ҳимоя қилган ҳолда ички ва ташқи ресурслардан самарали фойдаланишга интилиш кучаяди. Натижада бир томондан, миллий иқтисодийлар ўртасидаги

зиддиятли жараёнлар, иккинчи томондан миллий иқтисодиёт ичидаги зиддият ва номутаносибликлар муайян мамлакат хўжалигининг ривожланиш йўналишларининг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишига аввало, миллий шарт-шароитлар, бугунги кунда иқтисодиётда юзага келган муайян номутаносибликлар, иқтисодий мувозанатнинг туб қонуниятлари талабларидан келиб чиқиб ёндошиш лозим. Бошқача айтганда, миллий иқтисодиётнинг меъёрида амал қилишига тўсқинлик қилаётган жихатларга барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бирламчи вазифа бўлса, унинг самарали тармоқ ва ҳудудий таркибини шакллантириш, жадал иқтисодий ўсиш ва аҳоли даромадларининг тез ошиб боришини таъминлайдиган замонавий ишлаб чиқаришни барпо этиш иккиламчи вазифа ҳисобланади. Таъкидлаш ўринлики, аслида, бу вазифалар Ўзбекистонда бир вақтнинг ўзида амалга оширилмоқда.

2.2. Бозор ислохотлари шароитида миллий иқтисодиёт ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичлари ва унинг динамикаси

Ўзбекистон миллий иқтисодиёти бу бир-бирини тақозо этувчи иқтисодий-ижтимоий, ишлаб чиқариш, техник, интеллектуал ва бошқа муносабатларнинг ўзига хос тизимидан ташкил топган бўлиб, миллий хўжалик тизими муайян тарихий давр давомида ривожланиши ва ижтимоий-иқтисодий тизим унсурларининг ўзаро боғлиқ муносабатлари шаклланиши ва такомиллашиши жараёнининг натижасидир. Иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларида ҳар хил омиллар миллий иқтисодиёт қарор топиши ва ривожланишида турлича аҳамиятга эга бўлди.

Маълумки, миллий хўжаликларда шаклланган иқтисодий муносабатлар тизими ривожланиб, такомиллашиб бориш тенденциясига, шу билан бирга жаҳон мамлакатлари иқтисодиётларида хўжалик юритишнинг умумий, бири-бирига ўхшаш усуллари ва шакллари загилганки, уларни умумлаштириб,

алоҳида иқтисодий моделлар иқтисодий типларга гуруҳлаш мумкин. Мазкур умумийликлар ланишнинг умумий омиллари мавжудлигидан келиб чиқади.

Миллий иқтисодиёт тараққиёти бозор муносабатларининг ривожланганлик миқёси ва даражаси, жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашиш йўналишлари ва даражаси, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси, иқтисодиётнинг техник-технологик ривожланиш даражаси, хўжаликнинг таркибий, хусусан, тармоқ ва узулий тузилиши, мамлакат ҳудудининг миқси, этник ва миллий иби ва минтақавий хусусиятлари билан тавсифланади.

Миллий хўжалик тизимлари хусусиятларининг шаклланиши ва бир томондан, ички омиллар таъсирининг натижаси бўлса, бошқа томондан ташқи омиллар ҳам мазкур тизимлар шаклланиши ривожланишига жиддий (салбий ёки ижобий) таъсир кўрсатади.

Миллий хўжалик тизимининг хусусиятлари маҳсулот, иш ва ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларнинг ва мазмунини белгилаб берадиган, амалдаги тамойиллар, қоидалар ва меъёрлар билан ҳам тавсифланади. Хўжалик тизимларининг амал қилиши мулк муносабатлари, монетар ва фискал тизим, давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолияти, инвестицион ва ҳудудий сиёсат кабиларга ҳам боғлиқдир.

Иқтисодий муносабатларнинг эркинлаштирилганлиги, бозор иқтисодиёти тамойиллари ва қонуниятларининг амал қилиши, иқтисодиётда хусусий мулк ва эркин тадбиркорликнинг ривожланганлиги даражалари миллий иқтисодиётни ривожлантириш омилларининг таъсир йўналишларини ва даражасини ўзгартиради. Бошқача айтганда, юқоридагилар ташқи омилларнинг роли ошишига олиб келади.

Миллий иқтисодиётнинг ривожланиш омилларидан самарали фойдаланиш Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва халқ турмуш фаровонлигини оширишнинг объектив зарурати ҳисобланиб, бу жамият истеъмолининг миқдор ва сифат жиҳатидан ортиб бориши кераклиги билан асосланади. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг ривожланиши такрор ишлаб

чиқариш жараёнининг суръатларига, асосий ташкил этувчилари ўртасидаги нисбатга ҳам боғлиқ. Такрор ишлаб чиқариш моддий бойликларни, асосий ишлаб чиқариш омилларини, жумладан, ишчи кучи ва капитални такрор ишлаб чиқариш, моддий неъматлар ва хизматларни яратиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш муносабатларини такрор ишлаб чиқариш, инсон аёти шарт-шароитларини такрор ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Ҳар бир такрор ишлаб чиқариш тури ўз ички ва ташқи омилларига, жадаллаштириш шарт-шароитларига ҳам эга бўлади.

Ҳозир Ўзбекистонда миллий ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштиришга ва маҳсулот сифатининг оширишга табиий ва меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати, асосий капитал ҳажми, илмий-техника тараққиёти, жамиятнинг ялпи талаби ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқда.

Иқтисодий ўсишнинг динамик характерга эга бўлиши бир томондан, ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги, улардан самарали фойдаланиш ва илмий-техника ривожига эришишга, иккинчи томондан, мавжуд ресурсларни ўзлаштириш имкониятларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмоқда. Капитал танқислиги, иқтисодий ўсишни таъминлашда ташқи иқтисодий омилларнинг, хусусан, биринчи навбатда хорижий инвестициялар ва кредитларнинг ролини янада орттиради.


Ўзбекистонда иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатадиган объектив омиллардан бири табиий, минерал хом ашё ресурсларининг етарлилиги ҳисобланади. Аммо иқтисодиёт тармоқ тузилиши ва бозор инфратузилмасининг етарли даражада такомиллашмаганлиги иқтисодий ўсишга акс таъсир кўрсатади.

Бу ҳолат таркибий ўзгартиришларни жадаллаштиришни, устувор йўналишларни аниқлашни, илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришни ва илғор хориж технологияси ва бошқарув тажрибаларини қўллашни долзарб қилиб қўяди.

Кейинги йилларда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини ошириш, таркибий

ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган кенг қамровли иқтисодий сиёсатнинг олиб борилиши натижасида иқтисодий ўсиш таъминланмоқда, хусусан, иқтисодий ўсишни ифодаловчи қатор кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгармоқда.

Глобал жаҳон иқтисодиётидаги юқорида баён этилган жиддий муаммолар ҳамда уларнинг дунёдаги кўплаб мамлакатлар қаторида бизнинг мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам кўрсатаётган салбий таъсирига қарамасдан, 2012 йилда юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақлаб, макроиқтисодий барқарорлик ва мутаносибликни таъминлаганимиз ўзига хос ижобий кўрсаткич бўлди (2.2.1-расм).



2.2.1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда⁷

Расмдан кўринадики, агар мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 3,8-4,2 фоиз, 2004-2006 йилларда 7-7,3 фоиз, 2007-2008 йилларда эса 9-9,5 фоиз даражасида кузатилган бўлса, кейинги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi мазкур кўрсаткичга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ўсиш суръатларида бир оз пасайиш рўй берди.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2.2.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида саноат ривожланишининг 2011-2015
йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари⁸**

	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Саноатнинг ЯИМ даги салмоғи (фоиз ҳисобида)	23,9	24,1	24,8	25,8	26,8	28,0
Тайёр маҳсулотнинг саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги салмоғи, фоизда	50,6	51,7	53,6	56,2	58,7	61,2
Саноатга киритиладиган инвестициялар ҳажми, миллион АҚШ доллари	2 668,9	3 207,9	3 923,9	4 891,1	6 118,9	7 531,6
Саноат маҳсулоти экспортининг саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмидаги салмоғи, фоизда	38,0	42,3	46,1	51,8	58,0	63,2
Умумий экспорт таркибида саноат маҳсулоти экспортининг улуши, фоизда	51,1	61,7	62,5	65,3	69,7	71,8


Ўзбекистон Республикаси саноатининг 2011-2015 йилларга мўлжалланган устувор йўналишлари дастурини амалга ошириш мақсадида саноатда умумий қиймати 47,3 миллиард долларга тенг бўлган 119 та йирик инвестицион лойиҳани амалга ошириш мўлжалланган. Ушбу дастурга мувофиқ саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиш суръати 9-12фоизни ташкил этади, саноатнинг ЯИМдаги улуши 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга етади. Саноат маҳсулоти таркибида жиддий ижобий таркибий ўзгаришлар содир бўлади ва қайта ишлаш саноатининг ялпи саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 41 фоиздан 49 фоизга етади. Юқоридаги амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли экспорт қилинаётган саноат маҳсулотларининг экспорт умумий ҳажми таркибидаги улуши 2010 йилдаги 42,3 фоиздан 2015 йилда 63,2 фоизга етади (2.2.1-жадвал).

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва уни янада диверсификация қилиш саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2010 йилдаги 24фоиз дан 2015 йилда 28фоиз га, қурилишнинг улушини эса – 6,4фоиз дан 7,6фоиз

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1442-сонли Қарори.

га ошириш имконини беради. Натижада 2011–2015 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,3 баробар ортгани ҳолда, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 17,5фоиз дан 13,5фоиз га тушади⁹.

Аграр тармоқда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда. Ўтган 2005-2012 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари ўсиб бориш динамикасига эга бўлди. Хусусан, бу кўрсаткич 2005 йилдаги 105,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 107,0 фоизга тенг бўлди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг 2005 йилдаги 26,3 фоиздан 2012 йилда 17,5 фоизга пасайиши ижобий ҳолдир. Бу ҳолат мамлакатимиз иқтисодиётида индустриал саноат тармоқлари ва хизматларнинг жадал ривожланиб бораётгани билан изоҳланади.



2.2.2-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги ивожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, фоизда¹⁰

⁹ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 120-б.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, экин навлари ва чорва моллари зотини яхшилаш, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.


Амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ, 1990-2011 йилларда дон етиштириш 3,7 баробарга яқин, картошка 5 баробар, сабзавот 2,2 баробардан ортиқ, мева 2,6 баробарга, узум 1,3 баробардан ортиқ, гўшт (тирик вазнда) 1,9 баробар, сут 2 баробардан ортиқ ва тухум ишлаб чиқариш 2,4 баробардан кўпроқ ошгани фикримизнинг далилидир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш эвазига таъминланмоқда.

Кичик бизнеснинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи хусусий тадбиркорлик, яъни фуқароларнинг мулклари асосида амалга ошириладиган иш ва хизматлардир, кичик корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳаммаси, пуллик хизматлар, юк ва йўловчи ташиш, чакана савдонинг аксарият қисми хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилмоқда. Импорт товар ва хизматларнинг чорак қисми хусусий секторга тегишлидир. Бу тенденция бундан кейин ҳам давом этади, албатта.

Мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг

мамлакатимиз иқтисодиётидаги тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Натижада 2012 йилда кичик бизнес субъектларига тегишли ишлаб чиқариш корхонлари ва микрофирмалар сони 23,3 мингга ўсиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 219,4 мингга (фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда) етди. Кичик бизнеснинг ЯИМ таркибидаги улуши 54,6 фоизни ташкил қилди (2.2.3-расм).



2.2.3-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фоизда¹¹

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ҳамда изчил олиб борилаётган пухта ўйланган, самарали иқтисодий сиёсат пировардида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратди. Бу эса, юқорида таъкидланганидек, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан ривожлантиришнинг давом эттирилишига, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришнинг таъминланишига, мамлакатимизнинг дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлашига асос бўлди.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Миллий иқтисодиётнинг ривожланишида унинг саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳудудий тузилишини оптималлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, ҳанузгача мамлакатимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги асосий тармоқ сифатида сақланиб қолмоқда ва унинг ҳудудий тузилиши секин такомиллашмоқда.

2.3. Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш миллий иқтисодиёт ривожланишининг асосий омили сифатида

2000-2012 йилларда эришилган иқтисодий ўсишнинг энг муҳим белгиси уни барқарор даражага эгаллиги ҳисобланади. Президентимиз таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида “... бизнинг қандай оғир қийинчиликлар, муаммо, таҳдид ва синовларни енгиб ўтишимизга тўғри келгани ҳаммамизга яхши маълум. Лекин буларнинг барчасига қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти 20 йил давомида 3,5 баробардан зиёд ўсди. Агарки шу даврда мамлакатимиз аҳолиси қарийб 9 миллион кишига кўпайиб, 30 миллионга яқинлашиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган давр мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг жон бошига 2,5 баробар ошганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

Бу ҳақда сўз борганда, 2008 йилдан буён давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда 2008-2012 йилларда, яъни охириги беш йилда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги санокли давлатлар қаторида 8,2 фоиздан кам бўлмаган даражани ташкил этгани, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ва мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг кўпайиши таъминланаётганини айтишнинг ўзи кифоя.

Осиё тараққиёт банкининг маълумотлари бўйича, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари кейинги уч йилда 3 баробар кўпайган.

Айни шу йўлда, шу мақсадларга эришишда Конституциямизда

мустаҳкамлаб қўйилган тамойил ва нормалар, шунингдек, биз танлаган ва бугун дунёда эътироф этилган, “Ўзбек модели” деб ном олган тараққиёт модели мужассам топган”¹².

Миллий иқтисодиётимизнинг охириги беш йил мобайнидаги ривожланиш хусусияти шундаки, у глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида барқарор ўсиш суръатларига эга бўлди. Дунё мамлакатлари ривожланишининг қиёсий таҳлили кўрсатишича, жаҳон инқирози аксарият давлатларда, жумладан, ўтиш даври иқтисодиётини бошидан кечираётган мамлакатларда иқтисодий ривожланишни жиддий секинлаштирди. Ўзбекистон иқтисодиёти эса глобал инқироз шароитида юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлади ва юқори макроиқтисодий барқарорлик даражасини кўрсатди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда инқироздан олдинги даврда миллий иқтисодиётни ислоҳ этишнинг йўналиш ва чора-тадбирлари тўғри танлангани ҳамда 2008 йилнинг охирида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг самарали амалга оширилганини исботлайди. Маърузада таъкидлаб ўтилганидек, “Бугунги вазият ўтган йиллар мобайнида инқирозга қарши курашиш борасида тўплаган тажрибамизга суяниб, мамлакатимизни ривожлантириш, ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича эришган суръатларни бой бермаслик учун мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этишни талаб қилмоқда”¹³.

Барқарор иқтисодий ўсиш – бу узоқ вақт давомида иқтисодиётни юқори суръатлар билан ўсиб боришидир. Макроиқтисодиёт назарияси ва жаҳон амалиётининг кўрсатишича, мамлакатларнинг йиллик ЯИМнинг ўсиш суръати 7 фоиздан кам бўлмаса, ЯИМнинг ҳажми 10 йилда 2 марта кўпаяди. Аксинча, ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 10 фоиздан кам бўлмаса, мамлакат ЯИМ ҳажми 7 йилда 2 марта кўпаяди. Ўзбекистон ҳукумати мамлакатимиз

¹² Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир / Халқ сўзи, 2012 йил 9 декабрь.

¹³ Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь.

Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида 2005 йилдан бошлаб амалга оширилаётган иқтисодийни модернизация қилиш ва чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ана шу талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқди ва муваффақиятли амалга оширмоқда.

Барқарор иқтисодий ўсиш концепциясига мувофиқ, мамлакатимизда самарали ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш учун қулай шарт-шароитларни яратишга асосий эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш аҳоли турмуш фаровонлигини изчил ва босқичма-босқич ошириш учун шарт-шароит яратади.

Барқарор, юқори иқтисодий ўсиш суръатлари амалга оширилган мутаносиб макроиқтисодий сиёсат, иқтисодиётни эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга қаратилган таркибий ўзгаришлар жараёнининг жадаллашуви ва чуқурлашуви натижасидир. Эътиборли жиҳати шундаки, барқарор иқтисодий ўсиш анъанавий хомашё тармоқлари, жаҳон бозоридаги айрим хомашё ва материал турларининг юқори баҳоси ва қулай конъюнктураси ҳисобидан эмас, балки иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, тайёр рақобатдош маҳсулотни ва ҳозирги замон хизматларини кўрсатишга қаратилган тармоқларни жадал суръатларда ривожлантириш ҳисобидан таъминланмоқда.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда экспортга йўналтирилган иқтисодиёт тармоқлари, қулай инвестиция муҳити, амалга оширилаётган ислохотлар ва иқтисодий ўсиш сифатини ошириш муҳим роль ўйнади.

Иқтисодиёт фанида “иқтисодий ўсишнинг самарадорлиги” ва “иқтисодий ўсишнинг сифати” каби тушунчалар турлича маъноларни англатади. Иқтисодий ўсишнинг самарадорлиги деганда, “ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги” тушунчасининг ҳамма таркибий қисмлари, жумладан, товар ва хизматларнинг сифатини яхшиланиши, уларнинг рақобатдошлигининг ортиши, юксак технологияни ўзида мужассам этган

тайёр товарларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, фойдаланиладиган ресурслар қайтимининг ўсиши, ишлаб чиқариш харажатларининг камайиши тушунилади.

“Иқтисодий ўсишнинг сифати” тушунчаси эса мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида ижтимоий йўналишнинг кучайишини ифода этади.

Иқтисодий ўсиш сифатининг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- аҳоли моддий фаровонлигининг яхшиланиши;
- шахснинг ҳар томонлама камол топишининг асоси ҳисобланган бўш вақтнинг кўпайиши;
- ижтимоий инфратузилма тармоқлари ривожланиш даражасининг ўсиши;
- инсон капиталига сарфланадиган инвестициянинг кўпайиши;
- кишиларнинг турмуш ва меҳнат шароити хавфсизлигини таъминлаш;
- ишсизларни ва меҳнат қобилятига эга бўлмаган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;
- меҳнат бозоридаги таклиф ўсиб бораётган шароитда тўла бандликни қўллаб-қувватлаш;

2.3.1-жадвал

Ўзбекистонда ресурслардан самарали фойдаланиш индикаторлари¹⁴

Индикаторлар номи	Ўлчов бирлиги	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Меҳнат унумдорлиги	%	98,0	104,5	104,5	106,8	106,0	105,3	105,7	105,2
Капитал қайтими	%	93,9	102,4	101,6	102,2	96,1	89,3	86,5	90,8
Энергия қайтими	%	101,4	105,7	105,4	107,1	106,3	104,8	106,2	106,4
Материал қайтими	%	102,7	103,5	99,7	102,3	108,7	102,2	101,8	101,0
Ҳосилдорлик	%		108,0	101,6	102,9	102,2	103,7	104,2	103,4
Ишлаб чиқариш омилларининг ялпи унумдорлиги	%	1,0	3,5	3,6	4,8	2,4	-0,2	1,0	2,5

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган

2000-2011 йилларда миллий иқтисодиёт ривожланишининг барча макроиқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, капитал қайтимини истисно қилганда, яхшиланди. Жумладан, меҳнат унумдорлиги ва энергия қайтими кўрсаткичлари тез суръатлар билан ривожланиб ЯИМнинг ўсиш манбалари таркибида интенсив ўсиш омиллари улушининг ортиб бораётганини ифода этади.

Иқтисодий ўсишнинг янги сифатига ўтиш қуйидагиларни англатади:

- иқтисодий ривожланишга асосан илмий-техник тараққиёт омиллари ҳисобланган компьютерлар, ресурсни тежайдиган юксак технологияларни қўллаш орқали эришилади;

- иқтисодий ривожланиш товар ва хизматлар сифатини ошириш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳисобидан таъминланади;

- иқтисодий ривожланишга инсон яшайдиган экологик муҳитни химоя қилиш борасидаги талабларини бажариш ҳисобидан эришилади;

- иқтисодий ривожланиш ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган бўлади.

Иқтисодий ўсиш омиллари ва манбалари таҳлилининг кўрсатишича, инқирозга қадар бўлган даврда иқтисодий фаолликнинг юқори суръатларига асосан экспорт салоҳиятини ривожлантиришни жадаллаштириш, иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг миқёси, иқтисодиёт таркибининг тизимли ва босқичма-босқич янгиланиши ҳисобидан эришилган. Иқтисодий ўсишни иқтисодиёт эркинлашувининг чуқурлашуви ва миқёсининг кенгайиши, валюта бозорининг барқарорлашуви, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг жадал суръатларда ривожланиши таъминлади.

2000 йилдан бошлаб иқтисодиётга сарфланаётган инвестициялар ҳажми ортиб, молиялаштириш манбалари таркибида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Мустақиллик йилларида нодавлат секторнинг шаклланиши инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун давлат бюджетидан ажратиладиган харажатларни кескин қисқартириб, бўш қолган молиявий

маблағларни ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш самарадорлигини ошириш имконини берди. Шунингдек, ушбу даврда хорижий инвестицияларнинг ўрни ортиб бормоқда ва уларнинг ҳиссасига инвестицияларнинг 22 фоизи тўғри келмоқда. Хориждан жалб қилинаётган инвестицияларни 79 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Хизмат соҳаларининг миллий иқтисодиётнинг ривожланишидаги ўрни ва ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсирини 2.3.2-жадвал яққол ифода этади.

2.3.2-жадвал

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсишида иқтисодиётнинг айрим секторлари улушининг ўзгариши (фоизли пункт ҳисобида)¹⁵

Кўрсаткичлар номи	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
ЯИМ ўсиши – жами (фоизда)	3,8	7,0	7,3	9,5	9,0	8,1	8,5	8,3
Иқтисодиёт тармоқларининг ЯИМ умумий ўсишидаги улуши:								
Саноат	8,0	12,4	17,6	14,5	15,5	10,4	9,1	7,4
Қишлоқ хўжалиги	21,6	23,5	25,1	17,9	12,9	17,7	19,2	18,3
Қурилиш	3,8	7,5	9,8	8,7	5,1	23,0	6,4	6,7
Транспорт ва алоқа	23,3	19,5	17,7	18,4	21,9	7,0	14,2	16,3
Савдо ва умумий овқатланиш	13,3	10,4	13,7	19,0	16,1	15,5	20,8	20,9
Бошқа хизматлар	18,2	11,2	7,4	12,2	18,4	17,2	21,9	22,2
Билвосита солиқлардан субсидияларнинг айирмаси	11,9	15,5	8,7	9,3	10,0	9,2	8,6	8,3
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100

Жадвал маълумотлари таҳлилининг кўрсатишича, 2005 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 7 фоизли йиллик ўсишининг 40 фоизи ушбу соҳада яратилган қўшилган қиймат ҳисобидан таъминланган бўлса, 2011 йилга келиб унинг улуши 60 фоизга етди.

¹⁵ Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти материаллари

Инқироз шароитида илгари эришилган юқори иқтисодий ривожланиш суръатларини таъминлашда миллий иқтисодиётда юз бераётган ижобий таркибий ўзгаришлар муҳим роль тутди. Таҳлиллارнинг кўрсатишича, инқирозгача бўлган даврда ялпи ички маҳсулот ўсишининг тўртдан уч қисми хизматлар ва қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди. Лекин инқироз шароитида қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси жиддий қисқарди (масалан, 2005 йилдаги 24 фоиздан 2008 йилда 15 фоизга). Ушбу даврда қурилишнинг ҳиссаси аксинча ортган (2000-2008 йилларда ўртача 7,4 фоиз бўлган бўлса, 2009 йилда 25 фоизни ташкил этган). Буларнинг барчаси инқирозга қарши чоралар дастури самарали амалга оширилганини кўрсатади. Чунки уй-жой қурилишини рағбатлантириш чоралари ушбу дастурнинг таркибий қисми эди.

2.3.3-жадвал

ЯИМнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби, (фоиз ҳисобида)¹⁶

Йўналишлар	1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Жами ЯИМ	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Истеъмол	77,0	72,9	83,4	67,1	66,0	63,8	64,6	65,8	70,0	65,7	68,0
Ялпи жамғариш	26,8	24,2	15,9	23,0	24,8	22,6	31,0	28,8	20,4	26,5	28,9
Соф экспорт	-3,8	2,9	0,7	9,7	9,1	13,6	4,4	5,4	9,6	7,8	3,1

Миллий иқтисодиёт ўсишининг муҳим омилини ички талаб ташкил этади. Жаҳон молиявий инқироzi шароитида мамлакатимизда амалга оширилган инқирозга қарши чоралар дастури доирасида аҳолининг ялпи ички талабини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида пировард истеъмолнинг ялпи ички маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш таркибидаги улуши ортиб бормокда. Жумладан, 2008-

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 120-б.

2012 йилларда пировард истеъмол харажатларининг ЯИМдан фойдаланиш таркибидаги улуши 64,6 фоиздан 68 фоизга ёки 3,4 пунктга ортди. “Келгуси йилларда ички талабнинг ошиб боришига муҳим аҳамият берилади. Чунки жаҳон иқтисодиёти ва маҳсулотлар бозорларидаги бекарорлик шароитида бундай ёндашув иқтисодиётни изчил ривожлантиришнинг барқарорлаштирувчи ва рағбатлантирувчи омили сифатида муҳим ўрин тутди”(2.3.3-жадвал).

Қулай тадбиркорлик ва инвестиция муҳитининг яратилиши, иқтисодиётга жалб этилаётган инвестиция ҳажмининг барқарор суръатларда ортиб бориши иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш ва иқтисодиёт таркибида муҳим сифат ўзгаришларини амалга ошириш имконини бермоқда.

Иқтисодиёт таркиби унинг яхлитлигини таъминлайдиган хўжалик тизими элементлари ўртасидаги нисбат ва муносабатларнинг йиғиндисидан иборат.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётини такрор ишлаб чиқариш, тармоқ, технологик, минтақавий, ижтимоий-иқтисодий жараёни акс эттирадиган таркибларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон иқтисодиёти таркиби мустақиллик йилларида қуйидаги омиллар таъсирида ўзгариб бормоқда: ижтимоий меҳнат тақсимооти, илмий-техник тараққиёт, аҳоли эҳтиёжларининг ўсиши ва мураккаблашуви, бирламчи ишлаб чиқариш ресурслари кўлами ва миқёсининг чеклангани, ташқи иқтисодий омиллар.

Иқтисодиёт таркибининг сифат жиҳатдан яхшиланишига эришилди:

- 2012 йилда ЯИМ таркибида нодавлат секторнинг улуши 83,6 фоиздан ортиқроқ бўлиб, улгуржи ва чакана савдо ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг эса қарийб 100 фоизи нодавлат сектор томонидан ишлаб чиқарилмоқда;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши ўз навбатида 1991 йилда 1,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 54,6 фоизга етди;

- хизмат кўрсатиш секторининг ЯИМдаги улуши 1991 йилда 16,3 фоиздан 2012 йилда 52 фоизга ўсди;

- 1991-2012 йиллар мобайнида ЯИМда саноат улуши 2,2 баробар, яъни 11 фоиздан 24 фоизга ўсди;

- 1991 йилда экспорт қилинадиган товар таркибининг қарийиб 90 фоизни хомашё маҳсулотлари ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда қарийиб 70 фоизни тайёр маҳсулотлар ташкил этишига эришилди.

2.3.4-жадвал

ЯИМнинг тармоқ таркиби, (фоиз ҳисобида)¹⁷

	1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Иқтисодиёт бўйича жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Саноат	26,3	17,1	14,2	20,7	22,1	24,0	22,3	23,6	24,0	24,0	24,0
Қишлоқ хўжалиги	37,4	28,1	30,1	25,0	24,1	21,7	19,4	18,2	17,5	17,6	17,5
Қурилиш	10,4	7,1	6,0	4,9	5,1	5,5	5,6	7,4	6,4	6,1	5,9
Хизматлар	26,2	34,6	37,2	38,4	39,5	39,3	43,3	44,1	45,1	44,5	44,9
Соф эгри солиқлар	-0,3	13,1	12,5	11,0	9,2	9,5	9,7	6,7	7,0	7,8	7,7

Мустақиллик йилларида хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматга эга бўлган товарлар улушининг ортишига қаратилган таркибий сиёсатни амалга ошириш натижасида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг пасайиши ва саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларининг улушини ортиши кузатилмоқда. Масалан, 2000-2012 йилларда қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 30,1 фоиздан 17,5 фоизга қисқаргани ҳолда, саноат ҳамда хизматнинг улуши, аксинча, мутаносиб равишда 14,2 фоиздан 24,0 фоизга ва 37,2 фоиздан 44,9 фоизга ортди. Хизматлар соҳаси таркибида миллий иқтисодиётимиз учун амалда янги бўлган соҳалар – банк фаолияти, аудит, суғурта, консалтинг хизматлари салмоқли ўрин эгалламоқда (2.3.4-жадвал).

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 120-б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён этилган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва жамиятни модернизация қилишнинг стратегик йўналишлари мамлакатимиз иқтисодиётини яқин йиллар ичида ривожлантиришнинг асосий прогноз кўрсаткичлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Маърузада таъкидланганидек, “Жорий йилда мамлакатимиз иқтисодиётини 8 фоизга, саноатни 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини 11 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасини қарийб 16 фоизга ошириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улуши 53 фоизгача ўсишини таъминлаш вазифаси қўйилмоқда”.

Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефть-газ ва нефть-кимё саноатини, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантириш олдимизга қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи бўлиши даркор”¹⁸.

Иккинчи боб ўйича хулосалар

Миллий иқтисодиёт тараққиёти бозор муносабатларининг ривожланганлик миқёси ва даражаси, жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашиш йўналишлари ва даражаси, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси, иқтисодиётнинг техник-технологик ривожланиш даражаси, хўжаликнинг

¹⁸ Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь.

таркибий, хусусан, тармоқ ва узулий тузилиши, мамлакат ҳудудининг миқси, этник ва миллий иби ва минтақавий хусусиятлари билан тавсифланади.

Миллий хўжалик тизимлари хусусиятларининг шаклланиши ва бир томондан, ички омиллар таъсирининг натижаси бўлса, бошқа томондан ташқи омиллар ҳам мазкур тизимлар шаклланиши ривожланишига жиддий (салбий ёки ижобий) таъсир кўрсатади.

Миллий иқтисодиётнинг ривожланиш омилларидан самарали фойдаланиш Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва халқ турмуш фаровонлигини оширишнинг объектив зарурати ҳисобланиб, бу жамият истеъмолининг миқдор ва сифат жиҳатидан ортиб бориши кераклиги билан асосланади. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг ривожланиши такрор ишлаб чиқариш жараёнининг суръатларига, асосий ташкил этувчилари ўртасидаги нисбатга ҳам боғлиқ. Такрор ишлаб чиқариш моддий бойликларни, асосий ишлаб чиқариш омилларини, жумладан, ишчи кучи ва капитални такрор ишлаб чиқариш, моддий неъматлар ва хизматларни яратиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш муносабатларини такрор ишлаб чиқариш, инсон аёти шарт-шароитларини такрор ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Ҳар бир такрор ишлаб чиқариш тури ўз ички ва ташқи омилларига, жадаллаштириш шарт-шароитларига ҳам эга бўлади.

Ҳозир Ўзбекистонда миллий ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштиришга ва маҳсулот сифатининг оширишга табиий ва меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати, асосий капитал ҳажми, илмий-техника тараққиёти, жамиятнинг ялпи талаби ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқда.

3-БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЯНГИ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. Иқтисодиётда миллийлик ва “очиқлик” муносиблигини таъминлаш йўллари

Илгари мамлакатлар ўз миллий хўжалигини алоҳида юритган ҳолда, бошқа давлатлар (айниқса, турли ижтимоий ва сиёсий қадриятларга таянадиган) билан минимал иқтисодий алоқалар асосида ҳам ўз фуқароларига фаровон ҳаётни таъминлаб бериши мумкин, деб ҳисобланар эди.

Ҳатто, ҳозир ҳам глобаллашув жараёнига очиқдан-очиқ қарши бўлган гуруҳлар, ташкилотлар, партиялар ва кишиларни учратиш мумкин. Улар ички бозорни, миллий товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш шиорлари остида глобаллашувни бутунлай ёки қисман инкор этадилар. Ана шу тариқа антиглобалистлар, «яшиллар» ва бошқа турли оқим ва ҳаракатлар вужудга келди. Лекин нима бўлганда ҳам глобаллашув бу объектив жараён. Аммо бу жараён борган сари кенгайиб, ўз олдидаги тўсиқларни бартараф қилиб боради. Чунки бу жараён объектив шарт-шароитлар, иқтисодий ривожланиш қонуниятлари, энг асосийси, бир қатор реал омилларга асосланади.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришнинг табиати тубдан ўзгарди, унинг ривожланиш даражаси ва хусусиятлари миллий чегара ва божхоналар тўсиқларига зид бўлиб қолди. Глобаллашув XX аср охирида вужудга келган энг йирик иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий жараёнлардан биридир. Бугунги кунда жаҳондаги бирон бир иқтисодий ҳодисани бу жараёнсиз тасаввур қилиб бўлмайди. «Глобализация» атамасининг илмий лексиконга кириб келганига ҳам анча бўлди, аммо уни ҳозиргача ҳам ҳар хил тушунилади, ҳатто иқтисодчилар орасида ҳам бу борада бирдамлик йўқ. Дастлаб иқтисодиётнинг глобаллашуви муаммоларини ўрганган ва фанга

«глобаллашув» атамасини киритган Америкалик олим Т.Девитт «Бозорларнинг глобаллашуви» номли асари 1983 йил чоп этилган.

Глобаллашув кўпинча иқтисодий интеграциялашув, жаҳоннинг бир бутунлиги ва ўзаро боғлиқлигининг янги даражаси сифатида тавсифланади. М.Альбрау масалан, «глобаллашувни ер курраси аҳолисининг бир бутун жаҳон ҳамжамиятига, глобал корпорацияланишувига олиб келадиган барча жараёнлар йиғиндиси», деб ҳисоблайди.

Глобаллашув энг аввало иқтисодий, ундан кейингина сиёсий ва маданий жараёндир. Фақат жаҳон иқтисодий интеграциясининг тўхтовсиз ўсиб боришигина реал иқтисодий асосланган глобаллашувга шарт-шароит яратади. Европада, Шимолий Америкада, Осиё-Тинч океани ҳавзасида, Африка ва Лотин Америкасида минтақавий интеграциянинг ривожланиши давом этмоқда. Интеграцион бирлашмалар жаҳон иқтисодиётида борган сари каттароқ аҳамият касб этмоқда. Миллий иқтисодиёт энди ўз миллий қобиғи доирасидагина ривожлана олмайди. Бутун дунёда аллақачон миллий такрор ишлаб чиқариш цикллари давлат чегараларидан чиқиб кетди, иқтисодий сиёсат миллий чегара доирасида эмас, балки иқтисодий макон доирасида фаолият юритмоқда. Серҳаракат трансчегара такрор ишлаб чиқариш системалари шаклланди. Жаҳон савдоси жаҳон ишлаб чиқаришига нисбатан устунроқ ўсмоқда.

Глобаллашув — бу нафақат алоҳида мамлакатлар иқтисодиётининг яқинлашуви, интеграциялашувидир, балки бу жараёнда миллий иқтисодиётлар сифат тавсифларининг ўзгариши юз бериб улар нисбатан биқик тизимдан ягона жаҳон хўжалиги унсурига айланиб боради. Глобал иқтисодиёт деганда реал вақт давомида жаҳон майдонида капитал оқими, менежмент, меҳнат, технология, ахборот ва бозорга тааллуқлилигидан қатъий назар ягона бир бутун ишлайдиган тизим тушунилади. «Миллий иқтисодиёт» тушунчасининг ўзи ҳам ўзгармоқда. Асосий хўжалик юритувчилар бўлиб миллий давлатлар чегаралари бўлмай, ўз ишлаб чиқаришини ва товарларини фойда келтирадиган марказларга

жойлаштирадиган трансмиллий корпорациялар, молия саноат гуруҳлари майдонга чиқмоқда. Глобаллашув ҳозирги замон иқтисодиётининг юқори даражада ўсишини таъминлаш билан бир қаторда, мамлакатлар ўртасидаги рақобатни ҳам кескинлаштириб юбормоқда.

Шундай қилиб, глобаллашув, минтақалашув ва миллийлик ўртасидаги фарқлар борган сари «ювилиб», рағзийлашиб бормоқда. Бир қараганда глобаллашув ва миллийлик ўртасида зиддият борга ўхшаб туюлади. Амалда шундай ҳам. Ҳар бир миллий иқтисодиёт ўзига хослигини асрлар давомида сақланиб келган афзаллик ва қадриятларини сақлаб қолишга уринади. Аммо глобаллашув улкан планетар жараён бўлиб, ўз йўлидаги ҳар қандай миллий тўсиқларни яқсон қилиб боради. Бу борада унга минтақалашув анча катта ёрдам беради. Бунинг устига глобаллашув ва минтақалашув ўртасидаги алоқадорликни пайқаш қийин эмас. Ҳали глобаллашувга қадар ҳам ижтимоий муносабатларни байналмилаллаштириш, минтақа даражасида ўз мамлакатлараро алоқаларни бирлаштириш жараёни кетган эди. Минтақалашув бир-бирига яқин жойлашган мамлакатлар гуруҳининг яқинлашувини, уларнинг алоҳида гуруҳларга бирлашувини англатади.

Умуман, глобаллашув жараёнида миллийлик ва иқтисодиётнинг очиклиги ўртасидаги мутаносиблик ёки нисбат қандай бўлиши керак? Албатта, бу нисбатни бирон-бир арифметик рақам, тонна ёки километрда кўрсатиш қийин. Аммо шунга қарамай миллийлик ва «очиклик» ўртасидаги мақсадга мувофиқликни ифодаладиган кўрсаткич ёки мезон бўлмоғи лозим. Ана шундай мезон, сифатида бизнинг назаримизда, глобаллашув шароитида миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва мамлакат аҳолиси фаровонлигининг узликсиз ўсиб бориши деб олинса тўғри бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг очиклигини ифодаловчи бевосита ва билвосита кўрсаткичлари мавжуд. Бевосита кўрсаткичларига:

- ЯИМга нисбатан ташқи савдонинг нисбати (экспорт импорт) ёки ташқи савдо квотаси; масалан, 2012 йилда мамлакатимизда ташқи савдо 21,8

млрд. АҚШ доллари ташкил этган, шундан 13,0 млрд. экспорт ва 8,7 млрд. АҚШ доллари импортни ташкил қилган¹.

- экспортнинг миллий ишлаб чиқаришдаги ўрни, ёки экспорт квотаси;
- ялпи миллий истеъмолда импортнинг ўрни, ёки импорт квотаси;
- жами инвестицияларда ташқи инвестицияларнинг салмоғи;

Умуман миллий иқтисодиёт очиқлиги деганда, халқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон хўжалик алоқаларига максимал қўшилишга йўналтирилган иқтисодиёт тушунилади.

Шу мақсадда миллий давлатлар глобаллашув яратадиган барча неъматлар ва имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини қидириб топиши керак. Миллий иқтисодиётлар, маҳаллий товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчилар давлат томонидан яратилган имкониятлардан фойдаланиб, халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувида фаол иштирок этиши, жаҳон савдо ташкилоти, регионал иқтисодий уюшма ва альянслар орқали жаҳон хўжалигига интеграциялашув йўлидан бормоғи лозим. Бунинг учун глобаллашув жараёнининг ўзи қатор шарт-шароитлар, имкониятлар яратади.

Маълумки, глобаллашув жараёни бир қатор йўналишларда кечади. Улар ичида асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- товарлар ва хизматларнинг мамлакатлар ва иқтисодиёт секторлари ўртасидаги ҳаракати;
- мамлакатлар ўртасидаги молия капитали ҳаракати;
- мамлакатлар ўртасидаги меҳнат ресурсларининг ҳаракати;
- халқаро валюта бозорларида валюта операцияларининг кучайиши;
- мамлакатлараро интеллектуал маҳсулотлар ва ғояларнинг ҳаракатга келиши ва бошқалар.

Бу йўналишлардан бири сифатида миллий иқтисодиёт, яъни Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ва жаҳон хўжалик системаси ўртасида товар айланишининг ривожланишини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси маълумотлари

Шунингдек, кўпгина миллий давлатлар импортни маҳаллий товарлар билан алмаштириш йўлидан борадилар, аммо бу сиёсатнинг очик иқтисодий мамлакатларидан кескин орқада қолиб кетишига тезда ишондилар. Ўзбекистонда ҳам импорт ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш бўйича бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу борада айрим ижобий силжишларга эришилди, ҳам. Аммо янги жаҳон технология ва стандартларига бу йўл билан эришиб бўлмаслиги ҳаммага аён.

Глобаллашув жараёнининг муҳим йўналишларидан бири хизматлар соҳасини либераллаштиришдир. Бу тадбир биринчи навбатда молиявий хизмат кўрсатиш ва интеллектуал маҳсулотларни, ишчи кучининг мамлакатлараро ҳаракатини, компьютер хизмати ва телекоммуникация воситаларини камраб олади. Миллий иқтисодийнинг молия секторида кўпчилик операциялар пул ўтказиш, инвестициялар киритиш, таваккалчиликни суғурталаш каби хизматлар сифатида амалга оширилмоқда. Бу операцияларнинг кўпчилиги ҳали тўла ўрганилмаган, шунинг учун ҳам уларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш кийин, гарчи улар жуда катта тезликда ва кенг масштабларда амалга ошириляётган бўлса ҳам.

Молиявий хизмат ва капиталларнинг эркин ҳаракати билан бир қаторда ишчи кучининг тўсиқларсиз, мамлакатлараро ҳаракати муҳим аҳамиятга эга. Нисбатан кам ривожланган мамлакатлар аҳолиси ривожланган мамлакатларга ўтиб малакасиз ёки паст малакали ишчи кучи сифатида фойдаланилади. Улар қишлоқ хўжалиги ишчилари, қурувчилар, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларидан иборат. Кўпчилик ҳолларда оғир меҳнат шароитларига қарамасдан ривожланган мамлакатларда ишлаш жозибалироқ туюлади, айримлар доимий яшаш учун қолиб кетиш илинжида бўлса, яна бир тоифа кишилар эса ўзларининг малакасини ошириш истагида бўлади. Ўзбекистон учун ҳозирги шароитда глобаллашувнинг ушбу йўналиши анча долзарбдир, шунинг учун ҳам унинг устида бирмунча батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Бу борада тамойил шундан иборатки, чет элларга ишга кетаётган ишчи кучи сони йилдан-йилга муттасил ўсмоқда. Ривожланган

мамлакатларда арзон ишчи кучига талабнинг юқорилиги ҳам бу жараёнга сабаб бўлмоқда. Умуман жаҳон иқтисодиётида бу тенденция яққол кўзга ташланмоқда, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ишчи кучининг эркин айирбошлаш суръатларининг ўсишига олиб келмоқда. Реконструкция ва ривожланиш халқаро банки маълумотларига кўра 2006 йилда бутун жаҳон бўйича мигрантларнинг ўз оилаларига расмий йўл билан ўтказган жўнатма воситалари 232 млрд АҚШ долларини ташкил этган. Амалда бу кўрсаткич бундан ҳам юқори бўлиши мумкин. Экспертларнинг хулосаларига қараганда ушбу маблағнинг 72 фоизи ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Демак, ташқи меҳнат миграцияси халқаро ёрдам ва чет эл инвестицияларидан кейин мамлакатга валюта олиб келишнинг муҳим каналларидан бири бўлиб турибди. Масалан, Босния ва Герцеговина, Молдавия каби ривожланаётган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 20 фоизи, Албания, Арманистон, Тожикистоннинг 10 фоизи ташқи меҳнат миграциялари ҳисобига тўғри келади¹.

Мамлакатнинг глобаллашув жараёнида фаол иштирок этиши фуқароларнинг ташқи меҳнат миграциясида кенгроқ қатнашуви учун имконият ҳозирлайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрда имзоланган, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда меҳнат қилишини ташкил қилишни такомиллаштириш чоралари «ҳақида»ги қарорига мувофиқ меҳнат миграцияси жараёнларини бошқариш, Ўзбекистон фуқароларининг чет мамлакатларда, чет эллик ишчиларни Ўзбекистон Республикасида ишга жойлаштиришни таъминлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси бўйича агентлик зиммасига юклатилган. Агентлик бошқа мутассадди ташкилотлар, жумладан, ташқи ишлар вазирлиги, чет мамлакатга ишга юбориладиган номзодларни танлаш бўйича маҳкамалараро комиссия

¹ // Правда Востока – 2007.-19 июнь

билан ҳамкорликда бу масалада самарали иш олиб боради. Ишчи кучи ташқи миграцияси мамлакат иқтисодиётига чет эл валютасини киришида муҳим роль ўйнамоқда. Мамлакатимизнинг чет элларда ишлаб юрган фуқаролари ўзларининг чет элда олган маҳоратларини ишга солиб, ишлаб топган маблағларини хусусий тадбиркорлик орқали ишлаб чиқаришга жалб қилиб янги ишчи ўринларини яратиши алоҳида аҳамиятга эга. Албатта ривожланган мамлакатлар меҳнат бозорини чуқур ўрганиш, иқтисодиёт тармоқларини чет элдан ишчи кучини жалб қилишга қизиқувчиларни, таклиф қилиш чет эл мамлакатлари меҳнат бозорида ишчи кучига эҳтиёжни аниқлаш мамлакатимиз фуқароларини чет элда ишга жойлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Республикада ноқонуний миграция - одамларни сотишнинг олдини олиш, чет элга ишга бориш масаласида тартиб ўрнатиш бўйича ҳам муҳим ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. «Ишонч телефонлари» орқали ташқи меҳнат миграцияси бўйича тўлақонли ахборот бериб борилади, ҳуқуқий маслаҳатлар таклиф этилади.

Маълумки чет элга иш қидириб бораётган кишиларнинг ҳаммаси ҳам расмий йўл билан бориб маблағ тўплаб келмоқда, деб бўлмайди. Ишчи кучи миграциясининг ноқонуний, хуфёна қисми анча юқори. Бу борада Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида ишчи кучини алмаштириш ва меҳнатга лаёқатли аҳоли вакиллари ишга юбориш борасидаги амалиёт анча эътиборга лойиқ, деб ҳисоблаш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи Меҳнат миграцияси бўйича агентлик Корея Республикаси вакиллари билан ишчи кучини мазкур давлатга юбориш борасида узоқ йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келади. Корея Республикаси кичик ва ўрта бизнес федерацияси ҳамда Қурилиш уюшмаси билан ҳамкорликда минглаб ўзбекистонликлар корейсларнинг етакчи саноат корхоналарида меҳнат қилиш ва касб-ҳунар ўрганишга юборилмоқда. Корея Республикаси ўз иқтисодиётининг аҳоли кам банд бўлган соҳаларини аниқлаб хорижий ишчи кучини жалб этишни йўлга қўйган. Ишга жалб қилинган хорижий

фуқароларнинг миқдори ҳукумат томонидан тартибга солиб турилади. Бу борада аниқ ва самарали тизим ишлаб чиқилган.

Кореяга юборилган ишчилар касб-ҳунар ўрганиш ва меҳнат қилиш шароитларига кўра, ётоқхона ва бепул овқат билан таъминланган. Шунингдек, хорижий ишчиларга тиббий суғурта, ишлаб чиқаришда ва ундан ташқарида бахтсиз ҳодисалардан, иш ҳақини ўз вақтида жўнатиш суғурталанган.

Саноат малакаси тизими бўйича жалб қилинган хорижий ишчилар маҳаллий ишчиларга рақобатчи эмас, аксинча меҳнат бозорини меҳнат ресурслари билан тўлдиради. Кўпчилик мамлакатларда кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарида асосан хорижий ишчилар ишлайди. Фирмалар ўз техник асбоб-ускуналари ва технологик линияларини чет элга олиб чиқиб кетиш имкониятига эга эмас ёки ҳамма вақт ҳам ундан манфаатдор бўлавермайди. Бундай шароитда хорижий меҳнат ресурсларини жалб этиш иш берувчиларга ҳам, маҳаллий меҳнат бозорини тўлдириш учун ҳам фойдалидир. Корея Республикасида 2003 йил 16 августда “Хорижий фуқароларни ишга жалб этиш тўғрисида” қонун қабул қилинган. Бу қонунга биноан 2004 йилнинг 1 августидан бошлаб мамлакатда хорижий ишчи кучини жалб қилиш бўйича бандликка рухсат бериш (эркин ёллаш) тизими жорий этилган. Мазкур тизим амалдаги саноат малакаси тизими ўрнига тадбиқ этилган. Янги тизим мамлакат ҳудудига ноқонуний ишчи кучи кириб келишига, одам савдосига барҳам беради, қонуний йўл билан хориждан ишчи жалб этиш ва бу жараёни бошқаришни таъминлайди. Бу тизимда Таиланд, Шри-Ланка, Вьетнам, Индонезия, Филиппин, Мўғилистон каби давлатлар дастлабкилардан бўлиб қатнашиб, икки томонлама битимлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида 2006 йил 30 мартда «Бандликка рухсат бериш тизими (эркин ёллаш тизими) бўйича ишчи кучини Корея Республикасига юбориш тўғрисида» Меморандум имзоланди. Ушбу ҳужжат ўзбекистонлик фуқароларга Корея Республикасига

эркин ёллаш тизими бўйича ишга бориш имкониятини беради. Эркин ёллаш тизими саноат малакаси тизимидан кескин фарқ қилади. Янги тизимга кўра, ишга қабул қилиш бўйича барча жараёнлар Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган махсус компьютер дастури орқали амалга оширилади.

Бу жараён бир неча босқичдан иборат бўлиб, тест синовларидан, тиббий кўрикдан ўтишни тақозо этади. Шу билан бирга ёши 18дан -39гача, илгари жиноий жавобгарликка тортилмаган, Корея Республикасидан мажбурий чиқариб юборилмаган (депортация қилинмаган) Ўзбекистондан хорижга чиқишга рухсат берилган бўлиши лозим.

Аммо шундан кейин ҳам корейлик иш берувчилар Корея меҳнат вазирлиги билан белгиланган талабларни амалга оширгач хорижий ишчини қабул қилиш ҳуқуқига эга бўладилар, хорижий ишчилар рўйхатидан керакли ишчини танлаб олиб уларни ишга таклиф этиш учун ўз вазирлигидан рухсатнома оладилар. Шундан кейингина иш берувчилар ўзлари танлаб олган ишчиларга меҳнат шартномаси юборадилар. Барча ҳужжатлар тайёр бўлгач ишчилар Корея Республикасига ташкилий равишда юборилади. Тўғри, бу анча мураккаб, анча вақтни оладиган, иш қабул қилиш кўлами ҳам унча катта бўлмаган тизим. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги ҳузуридаги ташқи меҳнат миграцияси бўйича Агентлик маълумотларига кўра, 1995-2006 йиллар Корея кичик ва ўрта бизнес федерацияси, Корея Қурувчилар ассоциацияси ва Корея миллий қишлоқ хўжалик Федерацияси билан ҳамкорлик доирасида мамлакатимиздан ҳаммаси бўлиб 19 минг нафар киши малакавий ўқиш ва ишлаш учун юборилган. Бу жуда кам албатта. Корея Республикасидан бошқа мамлакатларга ишга юбориладиганлар бўйича ҳам худди ана шундай, ишловчиларнинг ҳуқуқлари суғуртасини кафолатлайдиган тизим яратилиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада айрим ишлар бошланган, лекин ниҳоясига етказилмаган. Масалан, 2005 йилнинг 28-29 октябрларида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигида

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида меҳнат фаолияти ва Ўзбекистонда Россия Федерацияси фуқароларини ҳамда Россия Федерациясида Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқий ҳимояси бўйича келишув тайёрлаш юзасидан ўзбекистонлик ва россиялик экспертлар ўртасида консультация бўлиб ўтди. Бундан ташқари, Россия ҳукуматининг ўша вақтдаги раиси М.Фрадковнинг 2007 йил 6-7 мартдаги расмий ташрифи давомида ҳам меҳнат миграцияси ва унинг ҳозирги ҳолати ноқонуний миграциядан огоҳлантириш, меҳнат миграцияси ҳақида ҳукуматлараро келишув лойиҳасини имзолашни тезлаштириш масалалари муҳокама этилди.

Ҳозирги Ўзбекистон томонидан республика фуқароларини Россия Федерациясига ишга юбориш бўйича техник тадбирлар ишлаб чиқилган ва мутасадди вазирлик ва маҳкамаларга ўрганиб чиқиб таклиф бериш учун тарқатилган. Шу йўналишда Япония, Малайзия, Испания, Бирлашган Араб Амирликлари каби мамлакатлар билан узлуксиз музокаралар олиб борилмоқда. Техник ҳамкорлик бўйича халқаро ташкилот фаолияти доирасида ўзбекистонлик фуқаролардан бир гуруҳи Японияда ўз малакаларини ошириб келдилар ҳам. Энди эса япон иш берувчилари Ўзбекистондан ишчиларни қабул қилиш имкониятлари ва шарт-шароитлари билан яқиндан танишмоқда.

Шунингдек мамлакатимиздан Малайзияга мутахассисларни жўнатиш тадбирлари лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳозирги кунда бу мамлакатнинг турли компаниялари билан музокаралар олиб борилмоқда. Бу тадбирлар қисқа муддатли ва бир марта ўтказиладиган юмушлар эмас, балки узлуксиз, режали ва босқичма-босқич олиб бориладиган ишлар системасидир. Маълумки, Ўзбекистон меҳнат ресурсларига бой. Ривожланган ва демографик имконияти чекланган мамлакатларда ёш ишчи кучига талабнинг доимо пайдо бўлиб туриши ҳам бор ҳақиқат. Шундай экан, ишчи кучи миграцияси иқтисодий глобаллашувнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолаверади. Фақат бу жараёни бошқариш ва ташкил этиш механизмини узлуксиз такомиллаштириб бориш лозим.

3.2. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувининг кучайишида янги тамойилларнинг намоён бўлиши

Глобаллашув чуқур иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараён ҳисобланади. У доимо ривожланиб, такомиллашиб, ўзгараётган давр ва талабларга мос равишда янги хусусиятлар, тенденциялар касб этиб боради. Бу жараёнда асосий, етакчи ўринни иқтисодий глобаллашув эгаллайди. Иқтисодий самарадорлик ва фойда олиш, иқтисодий мақсадга мувофиқлик зарурати сиёсий, маданий, илмий жабҳаларда ҳам глобаллашувнинг ўзига хос локомотиви бўлиб хизмат қилади. Фикримизнинг исботи учун халқаро глобаллашувни ва охир-оқибатда миллий иқтисодиётларнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувини ифодаладиган қуйидаги қатор амалиётларга тўхталиб ўтамиз.

Фан ва техника, технологик жараёнларнинг шиддат билан ривожланиши ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига кенг йўл очиб, унга ҳақиқий маънода планетар миқёс кашф этди. Энди ишлаб чиқарувчи кучлардан фойдаланиш устидан алоҳида давлатлар доирасида назорат ўрнатиш мумкин бўлмай қолди. Пиравардида минтақавий, қолаверса глобал ҳамкорлик лозим бўлиб қолди. Ишлаб чиқариш характерининг ўзи ўзгариб кетди ва у миллий чегаралар, божхона тўсиқларига зид келиб қолди. Натижада халқаро меҳнат тақсимоти ўзининг юқори поғонасига кўтарилиб, ташқи савдо алоқаларини миллий ишлаб чиқаришнинг муҳим омилига айлантирди. Ишлаб чиқариш воситаларига байналмилал мулк тури шаклланди ва келгусида планетар такрор ишлаб чиқариш жараёни вужудга келиши томон бормокда.

Асримизнинг бошларига келиб жаҳон экспорти ялпи ички маҳсулотнинг 24 фоизини ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган асрнинг 70-йилларида эса 17 фоиздан иборат эди¹. 1985-2005-йилларда хизматлар халқаро савдоси 3,1 мартага ўсди. Бу даврда ўтган ўн йилликка нисбатан жаҳон ЯИМда халқаро савдонинг ҳиссаси уч марта, 70-йилларга нисбатан икки марта тезроқ ўсди.

¹ Доклад о развитии за 2004г. ПРООН.-Нью-Йорк, Оксфорд, 2004,-С.25.

Шунинг ўзи ҳам миллий иқтисодиётларнинг «очиқлиги»ни, уларнинг ўзаро боғлиқлигини билдиради. Жаҳонда ишлаб чиқариш ўртача йиллик ўсиш суръатлари 3,5 фоизни ташкил этган ҳолда жаҳон товар айланмаси йилига ўртача 6,3 фоизга ўсган². Кўриниб турибдики, миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлиги тенденцияси янада кучайиб боради.

Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувининг кучайишига бир қатор омиллар фаол таъсир кўрсатади. Биринчидан, жаҳондаги кўпчилик давлатлар ўз иқтисодиётини либераллаштиришга эришдилар. Собиқ социалистик мамлакатларда бошқаришнинг маъмурий буйруқбозлик системасига барҳам берилиб, уларда бозор муносабатлари хўжалик юритишнинг амалдаги ягона шаклига айланди. Бу ўз навбатида жаҳоннинг каттагина қисмида ташқи савдони либераллаштириш, миллий иқтисодий тизимларнинг бир хилдалиги ва очиқлигини таъминлади, яъни уларда ишлаб чиқариш ва айирбошлашни байналмиллашуви жараёнини кенгайтириш ҳамда чуқурлаштиришга куч бағишлади. Шундай қилиб, ўтган асрнинг 90-йилларида бозор хўжалигининг неолиберал модели шаклланди, у ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон хўжалигига жадал суръатлар билан интеграциялашувини, чет эллардан киритиладиган молиявий воситалар ва технологиядан фойдаланиш эвазига фаол ривожланишга йўналтирилганликни тақозо этади.

Иккинчидан, иқтисодий глобаллашув кўп жиҳатдан ахборот ва коммуникация технологияси ривожланиш ҳолати билан боғлиқ. Маълумотларни қабул қилиш, узатиш, қайта ишлаш ва сақлашнинг принципиал янги системалари пайдо бўлди ва ривожланмоқдаки, улар ер шарининг турли минтақаларидаги товар ва молия бозорларини бирлаштирадиган глобал компьютер тармоғини яратиш имконини берди. Масофа ва майдоннинг телекоммуникацион «торайиши» ҳисобига жаҳон иқтисодий тизимида тубдан ўзгариш юз берди, хўжалик юритиш субъектлари

² Мировая экономика и международные отношения. 2003,-№5-С.15.

ўртасида ахборот айирбошлаш бўйича жуғрофий чекланишлар бартараф этилди.

Бу ҳолат халқаро молиявий оқимлар динамикасига жиддий таъсир кўрсатди. Энди глобал молия компьютер тармоғида ҳеч қандай муаммосиз валютанинг катта миқдори бир қитъадан иккинчисига кўчиб жойлашади. Бундай транзакцияларнинг миқёси бир кунда 1 трлн. АҚШ долларида ошади¹. Бунда молиявий оқим ишлаб чиқариш ва савдонинг реал тармоғидан ажралиб туради. Агар 1975-96-йилларда жаҳон товар экспорти 2,9 мартага ошган бўлса халқаро молиявий ресурслар оқими ҳажми – банк заёмлари бўйича 16,9 облигациялар 35,6 акциялар ва бошқа кредит воситалари 63,1 мартага ошган. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошига келиб, жаҳон фонд биржалари амалиётининг 90 фоизи товар ва хизматлар савдоси ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларга ҳеч қандай алоқаси бўлмасдан олиб-сотарликдан бошқа нарса эмас эди. Жаҳон банки маълумотларига кўра 2007 йилда жаҳон ялпи маҳсулоти 52,6 трлн. АҚШ долларини ташкил этгани ҳолда унинг дерават ҳосиласи 600 трлн. АҚШ долларини, ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 11,4 баробар кўпроқни ташкил этган. Бу жараён 2008 йилга келиб глобал молиявий инқирознинг келиб чиқиши ва ривожланишида катта роль ўйнади. Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, 56 та йирик олиб-сотди билан шуғулланадиган фондлар 900 млрд. АҚШ долларигача маблағни у ёки бу миллий валюта ва фондга қарши «хужум»га ташлаши ва уларни бемалол издан чиқариши мумкин. Бундан кўриниб турибдики миллий давлатлар ҳозирги вақтда алоҳида якка ҳолда ҳозирги ҳажмда ички молия соҳасини бошқаришига лаёқатли эмас. Бу жаҳон валюта, фонд, кредит ва суғурта бозорларининг глобал молия тизими сифатида амалда миллий давлатлар назорати ва бошқарувидан ҳоли бўлиб олишига олиб келди.

Учинчидан, глобал иқтисодий муносабатларни чуқурлаштиришда халқаро субъектлар омилининг аҳамияти ортиб бормоқда. Масалан, Халқаро

¹ Мировая экономика и международные –М: 2000, №--С.8

Валюта Фонди, Жаҳон банки, Бутунжаҳон савдо ташкилоти, 60 га яқин нуфузли минтакавий ташкилотлар, трансмиллий ёки кўп миллатли корпорациялар, бошқа халқаро молиявий муассасалар, халқаро нафақа, инвестиция ва суғурта фондлари, «яшиллар» ҳаракати, Лондон, Нью-Йорк, Токио, Франкфурт, Париж, Москва каби йирик шаҳарлар ва нихоят Ж.Сорос, Б.Гейтс каби алоҳида шахслар глобаллашувни кенгайтиришда борган сари сезиларли роль ўйнамоқда.

Жаҳон иқтисодиётида трансмиллий корпорацияларнинг роли тобора ортиб бормоқда. 77 мингта бош компания, 770 минг хорижий филиални ўз ичига олган бундай компанияларда 62 миллион киши меҳнат қиляпти. Уларнинг маҳсулот экспорти йиллик ҳажми тўрт триллион доллар (жаҳондагининг 40 %)га тенг.

Глобаллашувнинг ҳозирги босқичида трансмиллий корпорациялар учун ишлаб чиқариш операциялари, ақлий кучлар ва асосий бизнес устидан назоратни минтақаларга кўчириш характерлидир. Транс миллий корпорациялар (ТМК) иқтисодий глобаллашувда асосий харкатлантирувчи кучдир. Трансмиллий корпорациялар XIX асрдаёқ юзага келиб, улар XX асрнинг 80- йилларидан бошлаб дунё иқтисодиёти ва экспортида етакчи ўрин эгаллаб олди. Ҳозирги кунда дунёда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қарийб 25% ва дунё савдосининг қарийб 2/3 қисми улар зиммасига тўғри келмоқда¹.

Трансмиллий корпорациялар умумий савдоси ҳажмининг ўртача 45 % ини экспорт ташкил этади. Халқаро хом ашё бозорлари деярли тўлиғича улар назоратида. Трансмиллий корпорациялар дунёда буғдой, маккажўхори, кофе, ўрмон материаллари, тамаки, жут, темир рудаси савдосининг 90%, мис ва боксит савдосининг 85 %, чой ва руҳ савдосининг 80 %, банан, табиий каучук ва хом нефть савдосининг 75%га эгалик қилади². Трансмиллий корпорацияларнинг автомобиль, электротехника, компьютер, кимё-фармацевтика, шунингдек аниқ, машинасозлик соҳаларидаги роли улкан.

¹ Мировая экономика и международные отношения-/ М.:1999,-№11-С.45

² Ўзбекистан Сентрал Азия.2007,-С.24.

Мавжуд баҳолашларга кўра, Трансмиллий корпорациялар узок муддат фойдаланиладиган маҳсулотлар, самолётлар, электрон жиҳозлар, автомобиллар ишлаб чиқаришининг ярмидан кўпини назорат қилади. Айниқса, инфорацион технологиялар билан боғлиқ соҳаларда уларнинг роли катта. Жами 23 компания амалда барча телекоммуникациялар тармоҳини назорат қилади.

“Fortune” журнали 2006 йилда тайёрлаган рўйхатда дунёдаги энг йирик 500 компаниянинг жами даромади 18,9 триллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу дунё мамлакатлари жами ялпи ички маҳсулотининг 30%дан ортиғидир. Трансмиллий корпорациялар молия бозорларида катта куч бўлиб, энг муҳим операциялар ҳолатини белгилайди. Уларнинг биргаликдаги валюта захиралари дунёнинг барча марказий банклари резервлари ҳажмидан бир неча баробар кўп. Йирик Трансмиллий корпорациялар иқтисодий фаолияти ўртача ўлчамли давлатлар ялпи ички маҳсулоти ҳажмига тенг келади¹.

Бу ерда Трансмиллий корпорациялар билан бир қаторда ўзаро кесишиб кетган ва доимо мувофиқлаштириб иш кўрадиган дунё молия марказлари (ДММ) ни эсга олиш жоиз. Бироқ улар орасида жиддий тафовутлар мавжуд. Трансмиллий корпорациялар манфаатлари соҳаси, реал соҳа бўлиб, улар бунда ўзининг халқаро меҳнат тақсимотининг минтақалараро ўзаро боғланган кичик тизимларини яратади.

Дунё молия марказлари молия соҳасида амал қилиб, ўзига йирик халқаро банклар, шунингдек, валюта, фонд ва бошқа турдаги биржаларни бирлаштиради. Улар иқтисодий глобаллашувга жиддий таъсир ўтказа олади, чунки фақат валюта биржаларининг бир неча кунлик айланмаларининг ўзигина йиллик дунё савдо ҳажмидан ортиб кетади, уларнинг кунлик обороти айланмаси миқдори 90-йиллар бошидаёқ дунёнинг асосий мамлакатларининг биргаликдаги валюта захираларидан кўп бўлган. Худди мана шу омилнинг

¹ Ўзбекистан Сентрал Азия 2007, -\с.24

Ўзигина АҚШ фонд бозорларида бошланган инқирозга глобал тус берди ва унинг салбий оқибатларини бутун дунёга, жаҳондаги деярли барча миллий иқтисодиётларга тарқатди.

Глобаллашув жараёнида ўз худудида иқтисодий фаолиятнинг катта қисмини жамлаган сайёрамизнинг йирик шаҳарлари тобора катта роль ўйнай бошламоқда. Масалан, биргина Токиодаги маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми Бразилия ишлаб чиқаришидан икки баробар ортиқ. Чикагони Мексика давлатининг иқтисодий салоҳияти билан қиёслаш мумкин.

Йирик шаҳарлар аста-секин фаолиятнинг саноат турларидан «ҳоли» бўлиб, хизматлар, молия ва ахборот таъминоти соҳаларига кўчмоқда. Йирик шаҳарлар молиявий кудратининг ўсиши ҳозирроқ уларга миллий ҳокимиятларни четлаб, ўзаро ҳамкорлик қилиш ва тармоқ типига алоқалар занжирини ҳосил қилиш имконини бермоқда.

Турли мамлакатлар минтақавий ва субминтақавий савдо-иқтисодий иттифоқлари ва гуруҳларининг ҳосил бўлиши дунё ривожланишининг замонавий босқичи ҳусусиятидир. Ҳозир сайёрамизнинг барча қитъасида ўндан ортиқ шундай бирлашмалар фаолият кўрсатмоқда. Улар сирасига Ғарбий Европа, Шимолий Америка ва Осиё-Тинч океани минтақасидаги учта кудратли минтақавий - гуруҳ белгиловчи роль ўйнамоқда. Улар истиқболда кенгайиш ва иштирокчи мамлакатлар бирлашиши орқали катта потенциалга эга. Уларга Европа Иттифоқи (ЕИ), Шимолий Америка эркин савдо зонаси (НАФТА) ва Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти (АТЭС) мисол бўла олади. Бу учта минтақавий бирлашма ҳиссасига дунё ЯИМ нинг қарийб 80%, дунё мамлакатлари жами давлат бюджетининг 82%и ва дунё экспортининг 85 фоизи тўғри келади. Бундай нисбатлар ЕИ, НАФТА ва АТЕСга дунё марказининг энг муҳим таркибий қисмлари сифатида қараш имконини беради.

Ҳозирда экспертлар томонидан иқтисодий фаолият учун «глобал тармоқ иқтисоди» деб ном олган умум қамраб олувчи электрон муҳит, шаклланимоқдаки улар доирасида иқтисодий тизимнинг исталган нуқтасида

бўлган компания ёки индивид кам харажат қилиб, исталган бошқа компания ёки индивид билан ҳамкорликда савдо ёки ғоя алмашинувини амалга ошириш мумкин. Тармоқли иқтисодиёт шаклланишидаги ижобий жараён уларнинг харид қилиш ва сотиш қулайлиги, нархлари пасайиб бориши, билан боғлиқ. Бундан ташқари, ижтимоий-иқтисодий фаолият турлари ҳозирдаёқ бизнеснинг минглаб турларини тақдим қилаётган электрон муҳитга кўчиши кузатилмоқда.

Виртуал иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг исталган қатнашчиси ҳатто машҳур бўлиб улгурган фирмалар билан рақобатбардош бўла олишидир. Ахборот ва телекоммуникация технологияларининг жорий этилиши натижасида учта иқтисодий институт: савдо, молия ва меҳнат муносабатларида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Бозорларнинг компьютерлаштирилиши ва ахборотлаштирилиши халқаро молия бозорлари қатнашчиларининг энг янги ахборот тизимлари, глобал маълумотлар банки ва интеграциялашган компьютер бошқарув тизимларидан кенг фойдаланаётганида намоён бўлади. Чегарасиз банк операцияларини амалга ошириш ахборот технологиялари туфайли мумкин бўлди. Унификациялашган ахборот тизимлари ва тармоқлари ҳақли равишда замонавий молиявий маҳсулотлар ва глобал молия бозорлари юзага келиши учун асосий омил саналиши мумкин. Рақамли технологиялар молия бозорида инқилоб қилди ва келажакда унга янада фаол таъсир этади.

Молия бозорининг турли секторлари — кредит, қимматбаҳо қоғозлар савдоси ва пул трансфертлари, молия менежменти ва инвестиция ҳамда тижорат банклари, фондлар ва бошқа халқаро кредитлар хавфлари (таваккаллари)ни бошқариш глобал маълумотлар базасидан молия бозорлари ҳақидаги асосий манба сифатида фойдаланишда компьютер тизимларини қўллаш соҳаси кенгаймоқда.

Com Score Network тадқиқотчилик компанияси маълумотларига кўра, бир йилда АҚШда чакана Интернет савдо ҳажми 100 миллиард доллардан

ошиб кетади. Европа Иттифоқида эса бу кўрсаткич, экспертлар баҳосига кўра, 130 миллиард долларга етади¹.

Бироқ виртуал иқтисодиёт ўз камчиликларига ҳам эга Иқтисодиёт соҳасида жуда қудратли монополиялар ва трансмиллий корпорациялар юзага келмоқдаки, улар чексиз бойлик ва катта ҳокимиятни ўз қўлларида жамлаган. Информацион олигархларнинг нуфузли қатлами шаклланиб бормоқда, у бозорга ўз шартларини ўтказишга уриниб, улкан монопол фойда олмоқда. Бу мамлакатлар ва цивилизациялар иқтисодий қутблашишининг яна бир манбасига айланмоқда. Ахборот соҳасида капиталнинг ҳаддан ташқари жамланиши, мутахассисларнинг таъкидлашича, инқироз хавфини келтириб чиқаради, шу сабабли информацион монополиячиликка қарши қаратилган чеклашлар зарур бўлади².

Ўзбекистонда инвестициялар жойлаштириш афзаллигининг асосий омиллари; биринчидан - бой хом-ашё ресурсларига эга мамлакатимизда чуқур қайта ишлаш ва қўшилган қиймати юқори бўлган ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва 30% маҳсулотни локалазация қилиш имкониятининг мавжудлиги. Ўзбекистон иқтисодиётининг энергия таъминоти мустақиллиги билан тавсифланишини ҳисобга олганда жаҳоннинг унча кўп мамлакатларига хос бўлмаган бу жиҳати, айниқса эътиборлидир. Мамлакатимиз, нефт ва табиий-газ, кўмир ва уран заҳиралари жиҳатидан, жаҳоннинг етакчи ўнталигига киради ва уларнинг экспортери ҳисобланади.

Иккинчидан — йирик қулай бозорларга яқинлиги. Амалда ҳар бир чет эл компанияси, Ўзбекистонда ўзининг ишлаб чиқариш базасини ташкил этаётганда, республиканинг динамик ривожланаётган йирик бозорларнинг ўртасида жойлашганлигига алоҳида эътибор қаратади.

Учинчидан — транспорт инфратузилмасининг ривожланганлиги Ўзбекистон ҳудудидан транзит юкларни етказиб беришда муддатни

¹ Ўзбекитан Сентрал Азии IX-2007,-С.29.

² Каримов И.А Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистан шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари Ўзбекистон, 2009 –Б. 18.

қисқартириш, харажатларнинг сезиларли камайиши ҳисобига, анча арзонга тушиши рақобатбардошликни оширишдаги устунлик ҳисобланади.

Тўртинчидан — Ўзбекистондаги мавжуд малакали ишчи кучи потенциали.

Бешинчидан — янги технологияга асосланган экологик тоза, ресурсларни тежайдиган ва самарадорлиги юқори бўлган диверсификациялашган индустриал базани шакллантириш имкониятининг мавжудлиги.

Бу тенденциянинг янада ривожланиши миллий иқтисодиётнинг таракқиётида ва унинг халқаро бозор билан интеграциялашувида катта аҳамиятга эга. Чет эл капитали миллий иқтисодиётга замонавий технологияларни олиб келади, бизнесни олиб бориш маданияти ва бошқариш тажрибасини киритади.

Ўтган йиллар мобайнида инвестициялар биринчи навбатда нефть ва газ мажмуасига, электроэнергетика, рангли металлургия, машинасозлик, енгил ва тўқимачилик саноатига кириб келди. Инвестицияларнинг 34,6 фоизи ёқилги-энергетика мажмуаси, химия, металлургия ва машинасозлик соҳаларига йўналтирилди. Ундан кейин қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарлари соҳасини ривожлантиришга қаратилди. Таркибий ислохотларга кўра, енгил саноатга инвестицияларни йўналтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Барча инвестицияларнинг 15 фоизидан кўпроғи ахборот технологиялари ва коммуникациялар системасига сарфланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан кимё тармоғидан атмосферага азот оксиди чиқиндисини камайтирувчи технология ўрнатиш бўйича учта корхона белгиланган. Жаҳон бозорида бундай квоталар 2008-2012 йилларда амалга оширилади. «Мусаффо ривожланиш» механизми лойиҳаси доирасида Ўзбекистонга инвестициялар биринчи навбатда нефть-газ мажмуасига, кўмир тармоғига, энергетика соҳасига киритилади. Бу борада деҳқон ва фермер хўжаликлари, коммунал соҳа анча катта инвестиция

сиғимига эга. Канализация коллекторларидаги ҳосил бўладиган метан газини чиқиндисини камайтириш айтилган, муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувида трансконтинентал транспорт коммуникациялари қурилиши ва ундан фойдаланишида иштирок этиши катта аҳамиятга эга. Мамлакатимиз учун транспорт коммуникацияси нафақат иқтисодий шу билан бирга стратегик аҳамият ҳам касб этади. Республикамиз денгиз ва океан портларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга эмас.

Шунга қарамай мамлакатимиз ўзининг жуғрофий мавқеига кўра, юқори транспорт-транзит имкониятига эга. Гап шундаки, Евроосиё маконида юк ташиш шарқ-ғарб (Осиё ва Европа) йўналишида ҳам, жануб-шимол (Ҳинд океани Форс қўлиғи, Россия ва Балтиқбўйи мамлакатлари) йўналишида ҳам Буюк ипак йўлини четлаб ўтиши мумкин эмас. Мамлакатимиз кейинги йилларда автомобиль ва темир йўл транспорти соҳалари ривожланишида катта ютуқларга эришмоқда. Андижон-Ўш-Қошғар автомобиль йўли Марказий Осиёдан Хитойга чиқиш имконини беради. Сарахс-Тажан-Машҳад темир йўли Форс қўлиғида жойлашган Эрон бандаргоҳларига чиқишни таъминлайди. Ҳали 2003 йилдаёқ Техронда Ўзбекистон, Эрон ва Афғонистон ҳукумати раҳбарлари трансфғон коридорини шакллантириш бўйича келишиб олишган эди. Бу лойиҳа Тошкент-Термиз-Мозори-Шариф-Ҳирот йўналишида Эроннинг Бандар-Аббос ва Чохбаҳор бандаргоҳларига чиқиш имкониятини беради. Аммо Афғонистондаги нотинчлик бу лойиҳани тўла амалга оширишга йўл бермасдан келмоқда. Шунга қарамасдан, кейинги йилларда автомобиль ва темир йўлларни реконструкция қилиш, модернизациялаш ва янгилаш, божхона соҳасида ҳамкорлик, минтақадаги мамлакатларнинг транспорт ва божхона соҳасидаги миллий қонунчилигини уйғунлаштириш, наркотик моддалар ҳаракатига қарши биргаликда курашиш борасида аниқ чорағтадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашувининг кучайиши савдо иқтисодий алоқаларнинг

ривожланишида ўз ифодасини топмоқда. Шу билан бирга бу борада таркибий ва сифат ўзгаришлари ҳам юз бермоқдаки, уни ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ.

3.3. Глобаллашув жараёнида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш истиқболлари

Ҳозирги замон ишлаб чиқариши характеридан келиб чиқадиган глобаллашув жараёни инсониятни ҳамма иқтисодий бўҳронлардан қутқарадиган сеҳрли куч эмас. Глобаллашув мамлакатлар ривожланишида янги ақл бовар қилмайдиган имкониятлар яратиши билан бирга инсоният олдида янги муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Глобал молиявий инқироз шуни кўрсатдики, барча мамлакатлар таҳдид солаётган хавфни бартараф қилиш мақсадида координация ва ҳамкорликни мустаҳкамлашлари, жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашлари лозим. Айниқса, молиявий соҳада алоқа ва ҳамкорликни ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга. 2008 йилда бошланган молиявий инқироз АҚШда бошланган бўлишига қарамасдан, глобал тус олди, бутун жаҳон муаммосига айланди. 2000 йиллар бошида Мексикада, Бразилияда, Жанубий-Шарқий Осиёда содир бўлган инқирозлар асосан ўша мамлакатлар ёки минтақалар доираси билан чекланган, бошқа давлатларга кам тарқалган эди. Нима учун бу инқироз фақат АҚШнинг муаммоси бўлиб қолмасдан, дастлаб Ғарбий Европага кейин Шарқий Европага, кейинчалик эса бутун дунёга тарқалди. Чунки, биринчидан, дунё борган сари глобаллашиб бормоқда. Миллий чегаралар иқтисодий, молиявий жиҳатдан рамзий аҳамиятагина эга бўлиб қолмоқда. Ҳар қандай миллий ишлаб чиқариш планетар аҳамият касб этмоқда. Бу шуни англатадики, миллий иқтисодиётнинг муаммоси бутун дунё, ўз навбатида бутун дунё муаммоси миллий иқтисодиёт муаммосига айланиб қолмоқда. Глобаллашув нафақат ижобий ютуқларни, шу билан бир қаторда салбий ҳолатларни ҳам, иқтисодий инқирозни ҳам умумлаштирди.

Иккинчидан, жаҳон иқтисодиётида АҚШнинг улуши катталигича қолмоқда. Бу ҳам глобаллашувнинг асосий омилларидан биридир.

Глобаллашувнинг яна бошқа салбий оқибатларидан бири экология муаммосидир. Айниқса, Орол фожиаси, саноат районларидаги вазият бу муаммонинг долзарблигини кўрсатмоқда. Чет эл инвестицияларининг тармоқ таркиби кўпчилик Осиё минтақаси мамлакатларини индустриал ривожланган мамлакатларнинг янги турдаги ишлаб чиқариш перефериясига ллантириб қўйди. Натижада бу чекка ўлкалар нафақат минерал ва қишлоқ-хўжалик хом ашёсини ишлаб чиқаришни таъминловчи ва бу хом-ашёлардан оралик маҳсулот тайёрловчига айлантрииб қўйди. Бу чекка мамлакатлар экологиясининг бузилишига атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келмоқда. Аммо Орол бу фақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиёнинг фожиаси эмас. Бу фожаиa глобал характерга эга. Орол фожиаси оқибатлари минтақадан ташқари мамлакатлар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказиб келмоқда. Демак, Орол муаммосини ҳал этишга бутун дунё мамлакатлари ҳамжихат бўлиб ўзларининг илмий-интеллектуал, иқтисодий, молиявий имкониятларини бирлаштирмоқлари зарур.

Глоболлашув иқтисодиётда асосий таркибий қайта қуришларни тез суръатларда амалга ошириш алоҳида аҳамиятга эга. Ёқилғи-энергетика, машинасозлик, транспорт ва алоқа, йўл қурилиши, қайта ишлаш каби соҳаларни ривожлантиришга устуворлик берилди. Бу соҳаларнинг устун ривожлантирилиши, биринчидан, айрим стратегик маҳсулотлар бўйича мамлакатни ташқи бозорга қарамликдан қутқарган бўлса, иккинчидан, бу соҳалар қолган тармоқ ва ишлаб чиқариш турларини ривожлантиришга етакчилик қилди.

Устувор соҳаларни белгилаш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқларни аниқ мақсадли инвестициялаш эвазига таъминланди. Барча инвеститцияларни қарийб учдан икки қсми ишлаб чиқариш объектлари қурилиши йўналтирилди. Бу борада тўғридан-тўғри чет эл сармоялари анча қўл келди.

Макроиктисодий барқарорликка эришиш, келгусида иқтисодий ўсиш учун муҳим замин ҳозирлайди. Ҳар қандай миллий иқтисодиёт кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, яъни ўтган йилга нисбатан кўпроқ маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Йилдан-йилга аҳоли сонининг ўсиши, кишилар эҳтиёжларининг борган сайин ортиб ва такомиллашиб бориши кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни шарт қилиб қўяди. Иқтисодиётнинг ривожланишини аниқлаш ва ҳисоблаш мамлакат иқтисодий тараққиётининг энг умумий кўрсаткичи - ялпи ички маҳсулот билан боғлиқ, ва у ЯИМ ўсиш суръатларида ўз аксини топади.

Ўзбекистонда 2010 йилда ЯИМ нинг (8,5 фоиз), саноат ишлаб чиқариши (8,3%) истеъмол товарлари ишлаб чиқариш (12,0%) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш (6,8%) чакана савдо, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси (13,4%) ўсиш суръати нафақат МДХ, балки дунё мамлакатлари орасида юқори кўрсаткичлардан биридир. Бу ерда шуни ҳам таъкидлаш жоизки мамлакатда миллий иқтисодиётнинг ўсишида ташқи бозор конъюнктурасининг роли анча паст даражада¹. Гап шундаки, жаҳондаги кўпчилик мамлакатлар ЯИМнинг юқори суръатларда ўсишига нефть ва газ каби стратегик маҳсулотларга халқаро бозорларда нархларнинг кескин ошуви ҳисобига эришдилар. Ўзбекистонда эса иқтисодий ўсишнинг жадал суръатларини иқтисодиётни тизимли ва таркибий жиҳатдан янгилаш, уни эркинлаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотларни реализация қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини эркинлаштириш, хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва бошқа шу кабилар ҳисобига таъминланмоқда.

Албатта, иқтисодий тараққиёт бир жойда тўхтаб турмаслиги лозим. Келгусида ҳам иқтисодий ўсишни муттасил таъминлаб бориш ўз навбатида

¹WWW.stat.uz. Статистическое обозрение Узбекистана. Статборник Госкомства –Т.: 2011.

бюджет ва солиқ ислохотларини чуқурлаштириш, солиқ юкини енгиллаштириш, таркибий ислохотлар ва иқтисодиётни модернизациялашни чуқурлаштириш, унинг кўламини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб қилиш учун зарур шароитларни яратиш, хусусий мулкчилик тармоғини кенгайтириш, бизнес учун қулай муҳит яратиш, унинг кафолатларини мустаҳкамлаш, меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ўстириш, импорт ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бошқа тадбирларни изчиллик билан амалга оширишни тақозо этади.

Маълумки, иқтисодий ўсишни ички ва ташқи омилларга ажратиш мумкин. Ички омиллар ўзига мамлакатнинг ўзида моддий неъмат ва хизматлар ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнларига тегишли омилларни қамраб олади¹. Улар жумласига аҳоли ва меҳнат ресурслари сони, табиий ресурслар билан таъминланганлик, инвестициялар ҳажми, институционал муҳит, иқлим шароитлари ва бошқалар киради.

Иқтисодий ўсишнинг ташқи омилларига халқаро меҳнат тақсимооти, ихтисослашув, халқаро савдонинг ривожланиши ва умуман глобаллашув жараёнлари киради. Миллий иқтисодиёт ривожланишига глобаллашувнинг таъсири зиддиятлидир. Сўзсиз, у миллий иқтисодиёт қиёфасига жиддий ижобий ва салбий таъсирдаги ўзгаришлар киритади. Бу жарёнда, бир томондан, ишчи кучининг халқаро миграцияси кучаяди, мамлакатга арзон товарларнинг кириб келиши кўпаяди, натижада миллий иқтисодиётнинг айрим тармоқларида иқтисодий ўсишга тўсиқ пайдо бўлади. Бошқа томондан, чет элдан замонавий технология, инвестиция ва кредитларни жалб қилиш иқтисоднёт ривожланишини таъминлайди.

Албатта, барқарор иқтисодий ривожланиш барча омиллардан, шу жумладан сиёсий омиллардан ҳам ўринли фойдаланиш ҳисобига амалга

¹ Тухлиев Н., Ҳақбердиев Қ., Эрматов Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари.-Т.: 2006.- Б.58

оширилади. Шу билан бирга янги технологик шароитда улардан энг муҳимларини танлаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда тез иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосини инсон капитали, юқори малакали кадрлар, инновация, инвестиция, халқаро меҳнат тақсимоти, интеграциялашув каби омиллар ташкил этмоқда.

Бозорларда рақобатнинг жуда кескин тус олган ҳозирги даврида, янги билимлар мамлакатнинг ресурсларга бойлигидан кўра рақобат курашида анча устунлик яратмоқда. Япония ЯИМ 90%и инновацион технологияларни жорий этиш ва ЯИМ рақобатбардош маҳсулотлар яратиш ҳиссасига, АҚШда бу кўрсаткич 70%га тўғри келади. Бизда эса бу борада яна анча ишлар қилиниши зарур.

Миллий иқтисодиётнинг очиқлигини таъминлаш, уни халқаро ҳўжалик алоқаларига тортиш, халқаро меҳнат тақсимоти ва иқтисодиётни глобаллаштириш афзалликларидан янада тўлароқ фойдаланиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумки иқтисодиётни модернизациялаш ва реконструкция қилиш катта миқдордаги инвестицияларни тақозо этади.

Шу сабабли иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланиш жуда ҳам зарур.

Иқтисодий ривожланиш даражасининг динамик тавсифга эга бўлиши бир томондан, ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги, улардан самарали фойдаланиш ва илмий-техника ривожининг эришилган даражасига, иккинчи томондан, мавжуд ресурсларни ўзлаштириш имкониятларига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Иқтисодий тараққиётни таъминлашда ташқи иқтисодий омилларнинг, хусусан, биринчи навбатда, хорижий инвестициялар ва кредитларнинг роли ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий самарадорликка ижобий таъсир кўрсатадиган объектив омиллардан бири табиий, минерал-ҳом ашё ресурсларининг сероблиги ҳисобланади. Аммо иқтисодиёт тармоқ тузилиши ва бозор инфратузилмасининг етарли даражада такомиллашмаганлиги иқтисодий ривожланишга акс таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатни иқтисодиётда “голланд

касаллиги” симптомлари кўриниши сифатида изоҳлаш мумкин. Бунда иқтисодиётда асосан иккита ҳодиса кузатилади. Биринчидан, ундириш, казиб чиқариш ва хом ашёни сотиш кучаяди. Натижада мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши орқага кетади. Иккинчидан, мамлакатнинг саноат ишлаб чиқариши қисқаради. Ёки бошқача айтганда мамлакатнинг моддий ресурсларга бойлигига қарамасдан унинг иқтисодий ўсиш суръатлари бошқа ресурсларга кам эга бўлган мамлакатлардан орқада қолади. Яъни мамлакатнинг моддий бойлик ва ресурсларга бойлигидан қатъий назар у тўғри йўналтирилмаса шундай ҳолат вужудга келиши мумкин. Бунга жаҳоннинг барча ҳудудларидаги мамлакатлардан мисол келтириш мумкин (Япония, Швейцария, Гвинея, Замбия, қўшни давлатлар ва бошқалар). Ҳозирги даврда иқтисодиётда инновацион жараёнларнинг ўрни улкан. Бу ҳолат таркибий ўзгартиришларни жадаллаштиришни, устувор йўналишларни аниқлашни, илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришни, локализация ва диверсификациялашни, инновацион технологияга ўтишни ва илғор хориж технологияси ва бошқарув тажрибаларини қўллашнинг аҳамиятини оширади.

Кейинги йилларда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини ошириш, таркибий ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган кенг қамровли иқтисодий сиёсатнинг олиб борилиши натижасида иқтисодий ўсиш таъминланмоқда, хусусан, Республикада иқтисодий ўсишни ифодаловчи қатор кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгармоқда. Бу тадбирлар жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози таъсирини юмшатиш имконини берди¹.

Реал ЯИМ нинг ўсиши асосан иқтисодиётнинг ўзак тармоқларидаги ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ортиши ва экспорт ҳажмининг ўсиши ҳисобига

¹ Ўзбекистан в цифрах. Статический сборник. - Т.: 2009. - Б.18., stat.uz 2011

таъминланди. Иқтисодий ўсишга сўнгги йилларда макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланганлиги ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари иқтисодиётнинг реал секторидаги ишлаб чиқариш ҳажми, иқтисодиётга йўналтирилаётган инвестициялар самарасини берувчи ташқи бозор ҳисобланади. Ўзбекистонда реал секторда ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор ўсиши, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг иқтисодий ўсишни таъминлаши ва экспорт ҳажми ўсишининг барқарорлашаётганлиги, агар ҳаракатчан (мобилизацион) ривожланиш усулига таянилса, истиқболда ҳам мазкур тамойилларнинг сақланиб қолишини ва хатто, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашишини кўрсатади.

Иқтисодий ўсиш суръатларига ЯИМнинг тақсимланиши, таркибий тузилиши, унинг мулк шаклларига кўра таркиби ҳам ўзига хос таъсир кўрсатади. Умумий жамғариш даражасининг ортиши ва соф экспортнинг кўпайиши иқтисодий ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатса, давлат харажатларининг ортиши ва истеъмол ҳажмларининг кўпайиши қисқа муддатларда иқтисодий ўсиш суръатларини секинлаштирувчи таъсирга эга.

Бозор ислохотлари амалга оширилаётган МДҲ мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари бозор муносабатларининг ривожланиш кўлами, давлат иқтисодий сиёсатининг барқарорлиги, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги мавқеи, бандлик ва инвестицион фаоллик даражаси каби омиллар таъсирида турлича кечмоқда.

1991 йил кўрсаткичлари асос қилиб олинганда, иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари МДҲ доирасида Ўзбекистон, Беларус ва Қозоғистонда кузатилди. Албатта, мазкур кўрсаткичлар миллий иқтисодиётларнинг миқёси, улардаги таркибий инқирозларнинг кўлами ва таъсирини ифодаламайди. Шундай бўлса-да, иқтисодий ўсишнинг бу даражалари МДҲ мамлакатларида миллий хўжалик ривожланишининг энг муҳим таъсирловчи кўрсаткичи ҳисобланади. Ўзбекистоннинг 1991 йил даражасига ўтиш давридаёқ эришилганлиги мамлакатимизда чуқур иқтисодий инқирознинг

олди олинганлиги, самарали иқтисодий сиёсат юритилаётганлиги ва барқарор иқтисодий тараққиёт йўлига чиқилганлигини билдиради.

Иқтисодий ўсиш иқтисодиёт тармоқларида турли суръатларда таъминланмоқда. Бу давлатнинг стратегик манфаатлари ва вазифалари, минерал хом ашё ресурсларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш имкониятлари, соҳага киритилаётган капитал қўйилмаларнинг ҳажми, хорижий инвестицияларнинг соҳани ривожлантиришдан манфаатдорлиги даражаси, тармоқ моддий- техника базасининг ҳолати, хусусий капиталнинг тадбиркорлик имкониятлари, меҳнат ресурсларининг малакаси, ички ва халқаро бозордаги талаб даражаларига боғлиқ.

Сўнгги йилларда иқтисодий ислохотлар натижаси ўларок иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланмоқда, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланмоқда, ишлаб чиқариш ва истеъмол, жамғариш ва инвестициялар, даромад ва харажатлар ўртасидаги уйғун боғлиқлик ва мутаносибликлар тобора кучаймоқда. Бу аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш, иқтисодий салоҳиятни янада ошириш учун моддий имкониятларнинг кенгайиб бораётганлигини кўрсатади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида кўплаб турдаги экспорт маҳсулотларига бўлган талаб ва нархлар кескин пасайиб кетган бир шароитда, миллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларига бўлган ички талабни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, уй-жой қурилиши, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш амалга ошириш, шунингдек маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва корхоналар ўртасида рақобатлашув асосида товар етказиб беришни кенгайтириш ҳисобидан амалга оширилиши иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилига айланади.

Ички талабни кенгайтириш билан бир қаторда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли иқтисодий сиёсат олиб борилмоқда. Экспортга ишловчи корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилди.

Улар қўшимча қиймат солиғидан озод қилинди, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича имтиёзларга эга бўлади, жамғарма ва пенялардан кечган ҳолда, электр энергияси, табиий газ етказиб бериш ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун қарздорлик реструктуризация қилинди.

Республикамизда иқтисодиётнинг устувор тармоқларида амалга оширилаётган янги қурилишлар, ишлаб чиқаришни модернизация ва реконструкция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган, янги экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ишлаб чиқариш ва инфратузилмалар бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. 2010 йилда маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши бундай маҳсулотларнинг 160 дан ортиқ янги турини ўзлаштириш, импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш имконини берди.

Иқтисодий самарадорликни таъминлашга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларидан яна бири аҳолида тадбиркорлик салоҳиятини ошириш, кичик ва хусусий бизнесга кенг йўл очишдан иборат. Кейинги йилларда бу борада ижобий силжишлар кўзга ташланади. Глобаллашув жараёнида миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицион фаолиятнинг аҳамияти ортмоқда. Ташқи ва ички ресурслар ҳисобидан шакллантириладиган инвестициялар ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда рағбатлантирувчи ролни ўйнаб, иқтисодий тараққиётга олиб келди.

Иқтисодиётга жалб этилган инвестициялар таркибида корхоналар ва аҳоли маблағларининг салмоқли ўринни эгаллаши иқтисодий ўсишни таъминлашда микродаражадаги омилларнинг, хусусан, корхоналар фаолиятининг роли ортаётганлигини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда қулай инвестицион муҳитнинг яратилаётганлиги ва иқтисодий ўсиш имкониятлари кенгайиб бораётганлигини ифодалайди.

Ўзбекистон инқироздан ривожланиш орқали янада кучайиб, шиддат билан чиқиш, инқироздан кейинги ривожланишни таъминлаш йўлидан бора-

ётганлиги эътиборга лойиқ. Шу мақсадда кенг қамровли модернизациялаш, ишлаб чиқариш ва ташқи савдони диверсификациялаш, локаллаштириш (маҳаллийлаштириш) дастурлари амалга оширилмоқда, чунки иқтисодий ўсишнинг сири битта: ривожланиш стратегияси “қувиб бориш”га эмас, балки “ўзиб кетиш” га асосланиши лозим.

Учинчи боб бўйича хулосалар

Шундай қилиб, биринчидан, глобаллашув объектив иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий жараёндир. Бу жараённинг зарурати ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг табиатидан келиб чиқади. Лекин миллийлик ва иқтисодиётнинг очиклиги ёки глобаллашув бир-бирини инкор этмайди. Аммо улар ўртасида маълум мутаносиблик бўлмоғи лозим. Ана шундай мутаносиблик ёки нисбат глобаллашув жараёнида миллий иқтисодиётнинг бир текис, равон ривожланиши, мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигининг узликсиз ўсиб боришини таъминламоғи лозим. Акс ҳолда улар ўртасидаги зиддият кескинлашади. Демак, миллий давлатлар глобаллашув жараёни яратадиган барча имтиёз ва афзалликлардан унумли фойдаланмоғи, жаҳон савдо ташкилоти, минтақавий иқтисодий уюшма, турли альянсларда фаол иштирок этиш орқали жаҳон хўжалигига интеграциялашиб бормоғи лозим.

Иккинчидан, глобаллашув жараёнида миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кучайиб боради. Лекин бу жараён ҳамма вақт ҳам бир тусда кечмайди, балки янги хусусиятлар, тамойиллар касб этиб боради. Бу жараёнда таркибий ва сифат ўзгаришлари ҳам рўй беради. Ҳозирги пайтдаги хусусият ва тенденциялар молиявий хизмат ва капиталлар билан бир каторда, ишчи кучи, инвестициялар, транспорт, энергетика ресурслари, ахборот ва телекоммуникациялар эркин ҳаракатланишида ўзифодасини топмоқда.

Учинчидан, иқтисодий ривожланишнинг ички ва ташқи омилларини бир-биридан фарқламоқ зарур. Ички омилларга миллий давлатнинг ўзида моддий неъмат ва хизматлар ишлаб чиқаришни ва истеъмолни ўстиришни таъминлайдиган омиллар киради. Улар жумласига аҳоли ва меҳнат ресурслари сони, табиий ресурслар билан таъминланганлиги, инновация, ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланиш даражаси, инвестициялар кўлами, институтчионал ҳамда табиий иқлим шароитлари ва бошқалар киради.

Иқтисодий ўсишнинг ташқи омилларига эса глобаллашув жараёни билан боғлиқ омиллар киради. Миллий иқтисодиётга глобаллашувнинг таъсири зиддиятли кечади. Сўзсиз бу жараён миллий иқтисодиёт қиёфасига жиддий ўзгаришлар киритади. Бу жараёнда, бир томондан, ишчи кучи халқаро миграцияси кучаяди, мамлакатга арзон товарларнинг кириб келиши кўпаяди, натижада миллий иқтисодиётнинг айрим тармоқларида иқтисодий ривожланишга тўсиқ пайдо бўлади. Иккинчи томондан, ташқаридан замонавий технология, инвестиция, инновация ва кредитлар кириб келади. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва реконструкция қилиш, инновацион технологияларга ўтиш имкониятлари кенгаяди, натижада иқтисодий ривожланиш таъминланади. Кейинги йилларда табиий ресурслар билан таъминланганлик омилнинг аҳамияти пасайиб, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосини инсон капитали, юқори малакали кадрлар, инновация, инвестиция, интеграциялашув ва глобаллашувнинг бошқа унсурлари ташкил этмоқда.

Тўртинчидан, иқтисодиётнинг миллийлиги ва очиклиги ўртасида маълум мувозанат, нисбат бўлмоғи лозим. Бундай нисбатнинг мезони сифатида миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва мамлакат аҳолиси турмуш фаровонлигининг узлуксиз ўсиб бориши ҳисобланса тўғри бўлади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Ҳозирги шароитдаги жаҳон иқтисодий тараққиётининг бош йўналиши ва хусусияти глобаллашувдир. Иқтисодий глобаллашув, сиёсий, ижтимоий ва маданий глобаллашувларга нисбатан бирламчи бўлиб, ҳозирги жаҳон ишлаб чиқаришининг характерида келиб чиқади. Ишлаб чиқарувчи кучлар фан-техника тараққиёти таъсирида шу қадар ривожланмоқдаки, энди унинг бундан кейинги ривожланиш суръатларига миллий чегаралар, божхона, солиқ, маҳаллий қонун ва қоидалар тўсиқ бўлиб қолмоқда. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан минтақавий уюшмалар, альянслар, иттифоқлар орқали бу тўсиқлар бир қадар заифлаштирилди, ҳам. Аммо, улар барча муаммоларни ҳал қилиш қобилиятига эга эмас. Бу табиий ҳозирги шароитда халқаро савдо, халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув, айниқса тармоқларародан ички тармоқ ихтисослашувига ўтиш трансмиллий корпорациялар эркин иқтисодий ҳудудлар, молия-саноат гуруҳларининг кенг томир олиши глобаллашув жараёнини янада чуқурлаштириб, мамлакатлар ва халқлар ўртасида ижтимоий ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишда ўзаро боғлиқликни кучайтирмоқда.

2. Миллий иқтисодиёт ижтимоий-иқтисодиётнинг амал қилиш шакли бўлиб, мураккаб иқтисодий тизим сифатида ташкилий, тузилмавий, ресурслар, институтционал ва бошқа кичик тизимлар ҳамда таркибий қисмлардан иборат. У муайян мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тизимини қамраб олади ва ўша ерда яшовчи аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилади. Миллий иқтисодиёт бозор таъсиридан ҳоли бўлишга интилиб, протекционистик тадбирларга мойил бўлса-да, биқик, автаркизмга асосланган иқтисодиёт эмас. Унинг тараққиёти жаҳон иқтисодиёти тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ, глобаллашув субъектидир. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувда, халқаро савдода, айниқса нефть, газ, пахта халқаро бозорида, минтақавий ва бошқа халқаро ташкилот, уюшма ва иттифоқларда фаол иштирок этиш, халқаро молия ва телекоммуникация тизимида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши

муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу ўз навбатида миллий ва глобал иқтисодиёт (бозор) ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишга хизмат қилади.

3. Кейинги йилларда, халқаро савдо, инвестициялар, молиявий ва технологик ҳамкорликнинг ўсиши миллий иқтисодиётни глобаллашувнинг объектига айлантириб юбормоқда. Бу ҳолат миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги амал қилиш тамойилларига ва хусусиятларига бевосита боғлиқлигини кучайтирмоқда. Айниқса, глобаллашув жараёнида бу боғлиқликнинг аҳамияти янада ортади. Шунинг учун ҳам миллий иқтисодиёт бўйича тадқиқот ва таҳлиларни амалга оширишда ана шу тамойилнинг мазмун ва моҳиятини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Бу тамойилнинг тасодифий эмаслигини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози яна бир бор кўрсатди. Бу глобал бўҳрондан ҳеч бир миллий иқтисодиёт бенасиб қолмади.

4. Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг қарор топиши ва ривожланиш шарт-шароитлари иқтисодий мустақиллик ва иқтисодий хавфсизлик тамойиллари ва шартларига мувофиқ келади, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини таъминлаш ва кафолатлаш учун қулай ҳисобланади, самарали ва рақобатбардош иқтисодиёт таркибини шакллантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

5. Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг қарор топиши ва ривожланиш жараёни бозор муносабатларига ўтиш билан бир вақтга тўғри келганлиги ва кечганлиги алоҳида ўзига хос хусусият ҳисобланади. Аммо бу жараёнлар осонлик билан кечмайди ва айрим номутаносибликлар узоқ вақт сақланиб қолиши мумкин. Масалан, тармоқлараро баланс бўйича иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги мақсадга мувофиқ нисбат, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати ва ундан фойдаланиш даражаси ўртасидаги фарқ ҳозир ҳам мавжуд. Иқтисодиётнинг тармоқ таркиби каби, унинг ҳудудий таркиби шаклланиши ҳам кўпгина омиллар таъсирида юз беради. У мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва жаҳон хўжалик алоқаларида тутган ўрнига ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Иқтисодиётнинг ҳудудий таркиби шаклланишига таъсир этувчи муҳим омиллар жумласига минерал хом ашё,

ёқилғи-энергетика, ер-сув, меҳнат ресурслари, иқтисодий ва илмий-техника салоҳияти, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма ва бошқалар киреди. Бу ҳолат ЯИИМда вилоятларнинг ўрни ҳамда ялпи ҳудудий маҳсулотда саноат ва қишлоқ хўжалигининг улушида яққол намоён бўлади.

6. Миллий иқтисодиётнинг самарали фаолият кўрсатиши бир қатор синтетик мезон ва иқтисодий кўрсаткичлардан ташқари барқарор ривожланиш, барқарор иқтисодий ўсиш, каби сифат кўрсаткичлари билан ҳам ифодаланади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози муносабати билан иқтисодиёт назариясига инқироздан кейинги, сўнгги иқтисодий ривожланиш тушунчаси ҳам кириб келди. Бу тушунча қатор иқтисодий кўрсаткичларда ифодаланиб, унинг асосини аҳолининг турмуш фаровонлигининг ўсиши ташкил этади.

7. Бозор ислохотлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланишига ички ва ташқи омилларнинг аҳамияти ортмоқда. Ички омиллар орасида табиий ва меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати, асосий капиталнинг ҳажми, илмий-техника ва инновацион тараққиёт ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнида жаҳон бозорида рақобат янада кучаяди. Бундай шароитда айнан кичик ва ўрта бизнес йирик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан капитал маблағ сарфини кам талаб қилиши, ихчамлиги, зарур тамойилга тез мослаша олиши туфайли ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар турларини тез ўзгартира олиш, ишлаб чиқариш қувватларини жадал модернизация қилиш имкониятига эга. Шу тариқа кичик бизнес бозор конъюнктурасининг ўзгарувчан талабларига ҳамда вақти-вақти билан бўлиб турадиган иқтисодий инқирозларга тезроқ мослаша олади. Бу объектив ҳолатнинг Ўзбекистон Республикаси инқирозга қарши чора ва тадбирлар дастурида ҳисобга олинганлиги диққатга сазовордир. Иқтисодиётнинг ўзак тармоқларидан ташқари ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳиссаси ортмоқда (52,5%). Кичик бизнесда эса хусусий тадбиркорликнинг ўрни ортмоқда. Ташқи омиллар орасида жаҳон хўжалик тизимига

интеграциялашув кучайишининг аҳамияти ортмоқда. Миллий иқтисодиётга глобаллашувнинг таъсири зиддиятли кечади. Сўзсиз бу жараён миллий иқтисодиёт кифасига жиддий ўзгаришлар киритади. Бу жараёнда, бир томондан, ишчи кучи халқаро миграцияси кучаяди, мамлакатга арзон товарларнинг кириб келиши кўпаяди, натижада миллий иқтисодиётнинг айрим тармоқларида иқтисодий ривожланишга тўсиқ пайдо бўлади. Иккинчи томондан, ташқаридан замонавий технология, ҳамда инвестиция, инновация ва кредитлар кириб келади. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва реконструкция қилиш, инновацион технологияларга ўтиш имкониятлари кенгаяди, натижада иқтисодий ривожланиш таъминланади. Кейинги йилларда табиий ресурслар билан таъминланганлик омилининг аҳамияти пасайиб, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосини инсон капитали, юқори малакали кадрлар, инновация, инвестиция, интеграциялашув ва глобаллашувнинг бошқа унсурлари ташкил этмоқда.

8. Глобаллашув жараёнининг зарурати ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг табиатидан келиб чиқмоқда. Лекин миллийлик ва иқтисодиётнинг очиклиги ёки глобаллашув бир-бирини инкор этмайди. Аммо улар ўртасида маълум мутоносиблик бўлмоғи лозим. Ана шундай мутоносноблик ёки нисбат глобаллашув жараёнида миллий иқтисодиётнинг бир текис, равон ривожланиши, мамлакат аҳолиси турмуш фаровонлигининг узликсиз ўсиб боришини таъминламоғи керак. Акс холда улар ўртасидаги зиддият кескинлашади. Демак, миллий давлатлар глобаллашув жараёни яратадиган барча имтиёз ва афзалликлардан унумли фойдаланмоғи, жаҳон савдо ташкилоти, минтақавий иқтисодий уюшма, турли альянсларда фаол иштирок этиш орқали жаҳон хўжалигига интеграциялашиб бормоғи мақсадга мувофиқдир.

9. Глобаллашув жараёнида миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кучайиб боради. Лекин бу жараён ҳамма вақт ҳам бир тусда кечмайди, балки янги хусусиятлар, тамойиллар касб этиб боради. Бу жараёнда таркибий ва сифат ўзгаришлари ҳам рўй беради. Ҳозирги пайтдаги

хусусият ва тенденциялар молиявий хизмат ва капиталлар билан бир қаторда, ишчи кучи, инвестициялар, транспорт, энергетика ресурслари, ахборот ва телекоммуникациялар эркин ҳаракатланишида ўз ифодасини топмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2012. — 40 б.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. — Т.: Ўзбекистон, 1992. - 382 б.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари № 8 — Т.: Адолат 1994.- 376 б.

1.4. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида // Халқ сўзи газетаси. 1994 йил 22 февр.

1.5. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида // Халқ сўзи. 1994. 17 март.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қонуни.// Халқ сўзи. — 1995 йил 23 декабрь.

1.7. Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонуни. // Ўзбекистоннинг янги қонунлари № 15 — Т.: Адолат, 1997. — Б. 94-113.

1.8. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Деҳқон хўжалиги тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — Т.: 1998. - №5-6. — Б. 102-115.

1.9. Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида // Халқ сўзи. 1998. - 10 апр.

1.10. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. «Чет эл инвестициялари тўғрисида». Ўзбекистоннинг янги қонунлари № 19 Т.: Адолат, 1999. 529 б.

1.11. Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида // Халқ сўзи. — 2000.—май.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Давлат мулкни бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида // Халқ сўзи. 2000. - 5 июль.

1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида // Халқ сўзи. - 2005. - 12 апр.

1.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида // Халқ сўзи. - 2005. — 15 июнь.

1.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони / / Халқ сўзи. — 2005. — 16 июнь.

1.16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида // Халқ сўзи. — 2005. — 17 июнь.

1.17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида // Халқ сўзи. — 2005 — 21 июнь.

1.18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида // Халқ сўзи. — 2006 — 6 янв.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, маърузалари ва туркум нашрлар

2.1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиклол ва тараққиёт йўли. — Т.: Ўзбекистон, 1992. — 78 б.

2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. — Т.: Ўзбекистон, 1993. — 128 б.

2.3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: Ўзбекистон, 1995. — 269 б.

2.4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари — Т.: Ўзбекистон, 1995. — 74 б.

2.5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари,— Т.: Ўзбекистон, 1997. — 326 б.

2.6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т.: Ўзбекистон, 1998. — 686 б.

2.7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999. — 48 б.

2.8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. — Т.: Ўзбекистон, 2000. — 112 б.

2.9. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш — Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси. — Т.: Ўзбекистон, 2000. — 285 б.

2.10. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000, - 8-жилд. - Б.376-404.

2.11. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. —Т.: Ўзбекистон, 2002.

2.12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислох этишдир. —Т. Ўзбекистон, 2005. - 96 б.

2.13. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Т. 14-Т.: 2006. — 60 б.

2.14. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифамиздир. Т. 15-Т.: Ўзбекистон, 2007.

2.15. Каримов. И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. - Т.: Ўзбекистон, 2006, 280 б.

2.16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-иқтисодий барқарор ривожлантириш йўлида. — Т.: Ўзбекистон, — 2008. —356 б.

2.17. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2007. - 48 б.

2.18. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш — асосий вазифамиздир // Халқ сўзи. 2007 — 13 февр.

2.19. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: Маънавият, —2008. -176 б.

2.20. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгиланиш изчил давом эттириш – давр талаби. Т.17 —Т: Ўзбекистон, 2009. 147-199 Б.

2.21. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. —Т.: Ўзбекистон, 2009-56 б.

2.22. Каримов И.А. Асосий вазифамиз — ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Т.: Ўзбекистон, 2010 — 80 б.

2.23. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2010, — 56 б.

2.24. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011.-48 б.

2.25. Каримов И.А Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2013 йил.

3. Монография, китоб ва брошюралар

3.1. Асронов К., А.Рахматуллаев — Глобализация как предмет научного исследования.// Uzbekistan & Central Asia. IX - 2007. С.- 20-23.

3.2. Долимов Р.Т. Моделирование международный экономической интеграции и регионального экономического развития, ТГЭУ, —Т.:2008.-48с.

3.3. Жуманиязов Н.. Т.Сафин - Экономическая глобализация и современные тенденции. // Uzbekistan & Central Asia. IX -2007. С.23-27.

3.4 Жўраев Т.Т., Умаров Т.А. Иқтисодий глобаллашув жараёнининг ҳозирги замон тамойиллари. //Хўжалик алоқаларини глобаллашуви шароитида иқтисодиётни модернизациялаш хусусиятлари: халқаро, миллий ва минтақавий (регионал) муаммолар мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. —Т.:2008. -Б. 7-11

3.5. Мясникова Л. Смена парадигмы. Новый глобальный проект. // МЭиМО. 2006,- № 6,- С. 3-14;

3.6. Павлов В.А Экономическая роль государства в условиях глобализации хозяйственного развития. //Тезисы доклады Международной научно-практической конференции на тему: «Социально-экономические закономерности развития мирохозяйственных связей в условиях усиления интеграционных процессов» 16-17 ноябрь - М.: 2006 2006г. С.79-82.

3.7. Ёлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик, —Т.: Шарқ, 2006,- 480 б.

3.8. Ҳасанова Ж.Н. Особенности развития топливной промышленности Узбекистана. //Глобаллашув шароитида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг долзарб муаммолари. — Т., с. 22-27.

3.9. Ҳамроев О.Ҳ. Иқтисодиётда тежамкорлик ва мутаносибликни таъминлашнинг назарий услубий асослари. Монография. Т.:- “ADIB NASHR1YOTI” МЧЖ. 2010Й. -256 б.

3.10. Эрмаматов Ш.— Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳудудий таркибидаги ўзгаришлар. //Глобаллашув шароитида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг долзарб муаммолари. —Т.,2008-20 б.

4. Статистик тўплам ва маълумотлар

4.1. Ўзбекистон Республикаси Статистика Давлат Қўмитаси материаллари, —Т.: Iqtisod-moliya. 2008.-140 б.

4.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

4.4. The World Bank. World Development Report 2011. Washington 2011. P.334.

4.5. WTO. International Trade Statistics 2007. Geneva. 2007. P.12.

4.6. Ўзбекситон иқтисодиёти. Ахборот таҳлилий бюллетенининг 2010-2012 йиллардаги маълумотлари.Т.: JICA, 2013

Интернет сайтлари:

www.gov.uz

www.archipelag.ru/geoeconomics

www.interekonmic.ru

www.lib.ua-m.net/content

www.educate.co.ua/book

www.magelir.com/ebooks/text

www.stat.uz

**Миллий иқдисодиёт ривожланишининг асосий макроиқтисодий
кўрсаткичлари.**

(ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Йиллар											
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011*
Ялпи ички маҳсулот	103,8	104,2	104,0	104,2	107,7	107,0	107,3	109,5	109,0	108,1	108,5	108,3
Саноат маҳсулоти	106,4	107,6	108,5	104,5	109,4	107,3	106,2	112,1	112,7	109,0	109,0	111,0
Қишлоқ, хўжалиги ялпи маҳсулоти	103,2	104,2	106,1	104,5	110,1	106,2	106,2	106,1	104,5	105,7	106,8	106,6
Асосий капиталга инвести-	101,0	103,7	103,8	104,5	105,2	107,0	109,1	125,8	134,1	124,8	109,2	112,5
Давлат бюджетининг ижро этилиш даражаси (ЯИМга нисбатан)	-1,0	-1,0	-0,8	-0,4	-0,4	0,1	0,5	1,9	1,5	0,2	0,3	—
Инфляция даражаси	28,2	26,6	21,6	3,8	3,7	7,8	6,2	6,8	7,8	7,4	7,3	—
Солиқ юки (ЯИМга нисбатан)	28,0	25,7	25,0	23,8	22,6	22,6	22,1	22,0	20,0	—	—	—
Экспорт	0,9	-2,9	-5,7	26,0	30,3	11,5	18,1	39,0	28,7	2,4	10,8	15,4
Нодавлат секторининг ЯИМдаги салмоғи	70,2	71,3	72,9	74,5	75,7	75,8	76,7	77,8	78	80	81,7	82,5
Кичик бизнесининг ЯИМдаги салмоғи	31,0	33,8	34,6	35,5	35,6	38,2	42,1	45,5	48,2	50,0	52,5	54,0
Бандлик салмоғи	—	—	—	—	60,3	65,5	69,3	69,8	76	—	—	—

Талаб ва таклиф нисбати, ҳамда уларнинг ўзгариши

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Таклиф (ЯИМ нинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши, % қиёсий нархларда)	103,8	104,2	104,0	104,2	107,7	107,0	107,3	109,5	108,1
Талаб Пировард сарфлар, жами %, шу жум-ладан: Аҳоли истеъмоли Давлат сарфлари	100	100	100	100	100	100	100	100	100
	61,9 18,7	61, 18,5	60,2 18,0	55,6 17,5	51,9 16,2	48,3 15,9	49,4 16,6	47,2 16,1	48,3 17,9
б) асосий капиталга ялпи ички инвестициялар	19,6	21,1	20,8	24,6	28,0	26,9	21,3	21,0	24,4
Соф экспорт	-1,1	0,6	6,1	7,3	7,8	7,1	14,8	12,8	9,5

Ўзбекистонда ялпи талаб ва ялпи таклиф нисбати ҳамда унинг ўзгариши. (% ҳисобида)

